

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР**  
**9 СОН, 3 ЖИЛД**

---

**ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ**  
**НОМЕР 9, ВЫПУСК 3**

---

**INNOVATIONS IN ECONOMY**  
**VOLUME 9, ISSUE 3**



ТОШКЕНТ-2020

**ИҚТІСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР**  
**ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY**  
№9 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9>

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Гулямов Сайдахрап Сайдахмедович**  
Академик

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Вохидова Мехри Хасановна**  
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори

**"Иқтисодиётда инновация" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**Международный редакционный совет журнала "Инновация в экономике"**  
**International Editorial Board of the Journal of Innovation in Economics**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси / Экономическая теория / Economic theory**

**Назаров Ш.Х.** - и.ф.д.  
**Гафуров У.В.** - и.ф.д., профессор  
**Мустафакулов Ш. И.** - и.ф.д., доцент  
**Сайфуллаева М.**  
**Маматкулов И.А.**

**Nanuli Khizanishvili** - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics  
**Екатерина Геннадьевна Господарик** - к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

**08.00.02-Макроиқтисодиёт / Макроэкономика / Macroeconomics**

**Салимов Б. Т.** - и.ф.д., профессор,  
**Назаров Ш. Х.** - и.ф.д.  
**Худайназаров А.К.** - и.ф.д.  
**Худойқулов С. К.** - и.ф.н. доцент,  
**Валиев Б.** - PhD.  
**Сафарова Н.Н.**

**Зубиташвили Тамар** - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

**08.00.07-Молия. Бухгалтерия ҳисоби. / Финансы. Бухгалтерский учет/ Finance. Accounting**

**Жиянова Н.Э.** - и.ф.н., доц.

**08.00.09-Жаҳон иқтисодиёти / Мировая экономика / World economy**

**Мурадова Х.М.** - и.ф.д., профессор  
**Шарифхўжаев Ш.О.** - и.ф.д.

**Сардор Азам** - и.ф.д.  
**Вохидова М.Х.** - PhD.

**08.00.10-Демография. Мехнат иқтисодиёти / Демография. Экономика труда / Demography. Labor Economics. 08.00.13-Менежмент / Менеджмент / Management**

**Гулямов С.С.** - академик  
**Умурзаков Б.Х.** - и.ф.д., профессор,  
**Каршиев М.Э.**

**Маматкулов И.**  
**Фойиназаров С.Б.** - PhD  
**Кадирова З.А.** - PhD

**Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## **МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT**

### **1. Умирзоқов Жаъсур**

ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ

РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ MECHANISM FOR DEVELOPMENT  
OF FREE ECONOMIC ZONES IN FOREIGN COUNTRIES

РАЗВИТИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В ИНОСТРАННЫХ СТРАНАХ.....5

### **2. Исламова Дилобар**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

PROSPECTS OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE  
ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.....15

### **3. Lapasov Nurali**

O'ZBEKISTONDA INNOVATSIYALAR – IQTISODIY  
TARAQQIYOTNING MUHIM OMILI

INNOVATIONS IN UZBEKISTAN - AN IMPORTANT FACTOR  
OF ECONOMIC DEVELOPMENT

ИННОВАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР  
ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ.....23

### **4. Абдуллаева Ирода, Хошимова Дилёра, Хомидов Хамдам, Раҳмонова Мафтуна**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA BANK AXBOROT  
TEXNOLOGIYALARINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF BANKING INFORMATION  
TECHNOLOGIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БАНКОВСКИХ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....33

### **5. Матрасулов Баходир, Абдувохидов Акмал, Қодирова Диляфрӯз**

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

WAYS TO IMPROVE THE EFFECTIVENESS OF FISCAL POLICY IN  
THE CONTEXT OF A PANDEMIC

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ БЮДЖЕТНО-НАЛОГОВОЙ  
ПОЛИТИКИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ.....39

### **6. Шоахмедова Назима, Норбоева Нафиса, Хамидов Хамдам**

BLOKCHEYN TEXNOLOGIYALARI YORDAMIDA MA'LUMOTLAR  
XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH

BLOCKCHAIN DATA SECURITY - TECHNOLOGIES

БЕЗОПАСНОСТЬ ДАННЫХ С БЛОКЧЕЙН – ТЕХНОЛОГИЯМИ.....46

**7. Сатторкулов Обидкул, Алиқулов Равшан, Турдикулова Гулмира**

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ

THE SYSTEM OF STATE SUPPORT FOR SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE CONTEXT OF THE GLOBAL ECONOMIC CRISIS

СИСТЕМА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО КРИЗИСА.....53

**8. Шоахмедова Нозима, Хомидов Хамдам, Норбоева Нафиса, Хашимова Диљора**

ЎЗБЕКИСТОНДА ДРОНЛАРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛИ

PROSPECTS FOR AGRICULTURAL DRONES IN UZBEKISTAN

ПЕРСПЕКТИВЫ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ДРОНОВ В УЗБЕКИСТАНЕ.....62

**9. Раҳмонов Нуриддин, Нигматов Маруф**

ПЕНСИЯ ИНСТИТУЛариНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ  
БЎЙИЧА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРНИ  
МАМЛАКАТИМИЗДА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES FOR THE FORMATION AND REFORM OF PENSION INSTITUTIONS AND THE PROSPECTS FOR THEIR APPLICATION IN OUR COUNTRY

ОПЫТ РАЗВИТЫХ СТРАН ПО ФОРМИРОВАНИЮ И РЕФОРМЕ ПЕНСИОННЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ.....67

**10. Сафарова Зухра**

ТАШКИЛИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР ВА ХОДИМЛАР

ORGANIZATIONAL BEHAVIOR AND EMPLOYEES

ОРГАНИЗАЦИОННОЕ ПОВЕДЕНИЕ И СОТРУДНИКИ.....75

**11. Ҳамидов Иҳтиёр**

ЎЗБЕКИСТОН ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИДА ДЕРИВАТИВЛАР  
САВДОСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

DEVELOPMENT OF DERIVATIVE TRADE IN THE SECURITIES MARKET OF UZBEKISTAN

РАЗВИТИЕ ТОРГОВЛИ НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ УЗБЕКИСТАНА.....81

**12. Зиядуллаев Наби, Зиядуллаев Улугбек**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ:  
ИНТЕГРАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE EURASIAN ECONOMIC UNION:  
INTEGRATION OPPORTUNITIES

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН И ЕВРАЗИЙСКИЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СОЮЗ:  
ВОЗМОЖНОСТИ ИНТЕГРАЦИИ.....87

# ИҚТІСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Умирзоқов Жаъсур Артиқбай ўғли

Тошкент молия институти

Халқаро хамкорлик бўлими мутахассиси

e-mail: jasur\_umirzokov@bk.ru

## ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРДА ЭРКИН ИҚТІСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

**For citation:** Umurzoqov Jasur Artiqboy o'g'li. MECHANISM FOR DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES IN FOREIGN COUNTRIES. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp: 5-14



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-1>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада хорижий мамлакатларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш механизмлари акс эттирилган. Шарқий Европа ва BRICS давлатларида эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият натижалари статистик усуллари орқали таҳлил этилган. Хорижий давлатлар тажрибалари асосида Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** эркин иқтисодий зона, экспорт зоналари, ахборот технологиялари, эркин божхона ҳудудлари, хорижий инвестициялар, солиқ имтиёзлари, бож тўловлари, трансмиллий корпорация, фармацевтика саноати

### MECHANISM FOR DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES IN FOREIGN COUNTRIES

### ABSTRACT

The article was described the mechanism for establishment and development of free economic zones in foreign countries. The performance of free economic zones in Eastern Europe and the BRICS countries was analyzed through statistical methods. Based on the experience of foreign countries, recommendations have been made for the development of free economic zones in Uzbekistan.

**Key words:** free economic zone, export zones, information technology, free customs zones, foreign investment, tax benefits, customs duties, transnational corporations, pharmaceutical industry

### МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В ИНОСТРАННЫХ СТРАНАХ

### АННОТАЦИЯ

В статье был описан механизм создания и развития свободных экономических зон в зарубежных странах. Эффективность свободных экономических зон в Восточной Европе и странах BRICS была проанализирована с помощью статистических методов. На основании опыта зарубежных стран были даны рекомендации по развитию свободных экономических зон в Узбекистане.

**Ключевые слова:** свободная экономическая зона, экспортные зоны, информационные технологии, свободные таможенные зоны, иностранные инвестиции, налоговые льготы, таможенные пошлины, транснациональные корпорации, фармацевтическая промышленность.

### Кириш

Бугунги кунда жағон бозори конъюктураси ўзгариб бориши, жағон мікёсидаги іқтисодий глобаллашув ва интеграцион шароитда рақобат тобора кучайиб бораётгани мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан тараққий эттириш учун янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу эса эркин іқтисодий зона (ЭИЗ)ларни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда замонавий тенденцияларни ҳисобға олган ҳолда, іқтисодий сиёсат юритиши талаб этади.

Шунингдек, ЭИЗларни янада ривожлантириш борасида рақамли іқтисодиёт шароитида улар фаолиятига ахборот-коммуникацион технологияларни тадбиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев жорий йилда Олий Мажлисга Мурожатномасида: “Албатта, рақамли іқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришмасиз?! Эргага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли іқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафакат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради [1]”, деб алоҳида таъкиблаб ўтдилар.

Тадқиқот натижаларининг қўрсатишича, республикамизда фаолият олиб бораётган ЭИЗларни ривожлантиришда бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Хусусан, ЭИЗни маъмурий бошқарув тизимини либераллаштириш, инвестицион лойиҳалар экспертизасида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, улардаги тадбиркорлик субъектларига бино ва ер майдонларини ажратишида жағон стандартлари талабларига жавоб берувчи яхлит механизмни ишлаб чиқиш кабилар долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

### Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

ЭИЗларнинг мазмуни ва моҳияти, уларни ташкил этиш, бу борада хорижий тажрибалар асосида илмий тадқиқотлар олиб борища бир қатор олимлар фаол иштирок этишган. Жумладан, хорижлик олимлардан Т.Farole ва F.Dobrogonov мазкур ҳудудларнинг амалий жиҳатини таъкидлаб, ушбу ташкил этиладиган ҳудудларнинг ривожланаётган давлатлар учун қўшимча истеъмол бозорларини эгаллаш имкониятини яратиб беришини, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, ушбу іқтисодий тузилмалар минтақавий іқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш воситаси ҳам эканлиги қайд этилади [2].

Россиялик іқтисодчи олим В.Д.Адрианов: “Эркин іқтисодий ҳудудлар миллий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, іқтисодий муаммолар ечимини топища кенг имкониятларни яратиб беради [3]”, деб таърифлайди.

В.Г. Игнатов, В.И. Бутовларнинг фикрича, ЭИЗлар – чекланган ҳудудлар бўлиб, улар денгиз портлари, ҳаво чегарасидан иборатдир. Уларда миллий ва хорижий ишбилармонлар учун ташқи савдо, умумий іқтисодий ва бошқа соҳаларда қулай бизнес муҳити яратилади [4].

Мамлакатимизнинг етук іқтисодчи олимлари томонидан ЭИЗлардаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда турлича ёндашилади. Шу сабабли, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминовларнинг фикрича, Эркин іқтисодий зоналар – шундай географик ҳудудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилади. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу ҳудудда давлатнинг іқтисодий жараёнларга аралашуви камайтирилади ва бу миллий іқтисодий маконнинг бир қисми булиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тизими жорий этилади [11].

Шунингдек, ўзбек олимларидан М.Вохидова томонидан Ўзбекистон эркин іқтисодий

зоналарнинг институционал асосларини тадқик этиш асносида, “ЭИЗлар – мамлакатнинг алоҳида солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатини олиб борадиган зоналар бўлиб, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини, экспорт салоҳиятини ошириш ва аҳолининг бандлигини максимал даражада таъминлаш мақсадида ташкил этилади” [12], деб фикр билдирилган.

Бизнингча ЭИЗлар фақатгина мамлакат ичкарисида эмас, балки мамлакатга нисбатан ташқарида, яъни анклав тарзда ҳам жойлашиши мумкин. Ўзбекистонга қарашли бўлган Фаргона вилояти таркибига киритилган Сўх тумани Кирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган. Агар ушбу ерларда ЭИЗ ташкил этилса, Ўзбекистон учун эксклав ЭИЗ бўлиб, Кирғизистон Республикаси учун анклав ҳудуд ҳисобланади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукцион ва вербал шарҳлаш, статистик жамлаш, гуруҳлаш сингари усуслардан кенг фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, дунё миқёсида ЭИЗлар турли атамалар билан номланиб келинмоқда. Жумладан, ЭИЗлар Жанубий Корея ва Ирландияда “эркин экспорт зоналари” сифатида талқин этилса, “Мексикада “maquiladora” деб номланган. Шунингдек, Филиппин оролларида ЭИЗлар “экспорт зоналари” ҳамда Шри-Ланкада “инвестицияларни қўллаб-кувватлаш зоналари” дея аталади. Ҳиндистонда “хорижий савдо зоналари”, БААда “эркин зоналар” сифатида илмий ва ҳуқуқий ҳужжатларда таърифланганини кузатиш мумкин [5].

Юқоридагиларга кўра, ЭИЗларнинг турлари ҳам жаҳон иқтисодиётида турлича шаклланганлигини кўрамиз. Бундан ташқари, ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва стратегик аҳамиятга молиқ бўлган йўналишларни амалга ошириш учун алоҳида лойиҳалар асосида тижорат фаолиятини амалга оширишига ихтисослашган ЭИЗ ва маҳсус иқтисодий зона (МИЗ)лар ҳам вужудга келмоқда. Қуйида ушбу маҳсус ташкил этилаётган ЭИЗлар шакллари келтириш мумкин. Ушбу шаклдаги маҳсус лойиҳалар асосида фаолиятини амалга оширадиган ЭИЗларнинг ихтисослашган турлари ривожланишининг иқтисодий стратегияси, шу каби иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасида жорий этишни кун тартибига кўяди.

### **1-жадвал**

#### **Дунё амалиётида маҳсус лойиҳалар тижорати учун тузиладиган ЭИЗлар шакллари ва уларни фаолияти [13]**

<b>ЭИЗ шакллари</b>	<b>Ривожлантириш соҳалари</b>	<b>Майдон, га</b>	<b>Ҳудудий жойлашуви</b>	<b>Фаолият йўналишлари</b>
Технологик ёки илмий парклар	Ахборот технологиялари ва илмий янгиликлар	50	Университет ва институтлар хузурида	Ахборот технологиялари фаолияти
Нефт-кимё технология зоналари	Энергия саноатини ривожлантириш	100-300	Нефт-кимё манбалари мавжуд ҳудудларда	Нефт-кимё ва оғир саноат соҳалари
Дастурий таъминот ва интернет зоналари	Дастурий таъминот ва интернет соҳасини ривожлантириш	20	Университетлар ва ривожланган ҳудудларда	Ахборот технологиялари хизмати
Аеропорт зоналар	Юкларни халқаро ташиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган	20	Аеропортларда	Юкларни ташиш, уларни сақлаш

Туризм зоналари	Туризм соҳасини ривожлантириш	200-1000	Туризм худудларида	Курорт ва бошқа туризм худудларида
Логистик парклар	Логистика соҳасини ривожлантириш	50	Аэропорт, порт худудларида	Юқларни ташиш ва сақлаш

Мақолада ЭИЗларни ривожлантиришда бир қатор Марказий ва Шарқий Европа ҳамда BRICK интеграцияси давлатларининг тажрибалари таҳил этилган. Марказий ва Шарқий Европада муҳим ўрин тутувчи Польшада ЭИЗларни ташкил этиш ва ривожлантиришда асосан иккита моделдан фойдаланиш амалиёти мавжуд. ЭИЗларни ташкил этишнинг **биринчи моделида** фаолиятини олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектнинг олдиндан белгилаб олинган бир қисмида (асосан, дengiz портлари, темир йўл станцияларида) маҳсус божсиз режимлар ўрнатилади. Ушбу моделда бу орқали эркин божхона худудлари ташкил қилишга замин хозирланади. Модел ЭИЗларни ривожланиши 2 босқичда амалга оширилишни назарда тутади:

1-босқич: дengиз ва темир йўл транспортлари – эркин омборлар функцияларини бажаради;


2-босқич: хорижий инвесторлар ҳисобланган йирик компаниялар билан эркин омборхоналарда қўшма корхоналар ташкил этилади.

Шунингдек, Польшадаги эркин божхона худудларида фаолият юритишнинг ўзига хос ташкилий-иктисодий шароитлари қўйидагилардир:

- хорижий ва миллий инвесторлар учун хўжалик юритишида бир хил шароитлар, солиқ имтиёзларининг мавжудлиги;

- хорижга тақсимланмаган фойдани чекламаган миқдорда кўчириш;

- худуд доирасида молиявий аймаланма маблағларини конвертиланган валюталарда амалга ошириш, корхоналар фаолиятида жадаллаштирилган амортизацияланишни қўллаш ва бошқалар.



### 1-расм. Польша Республикасида ЭИЗларни ташкил этиш моделлари

(Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган)

ЭИЗларни ташкил этишнинг **иккинчи моделида** – эркин иқтисодий ва маҳсус иқтисодий зоналар ташкил этилади ва улардаги хўжалик юритувчи субъектларга солиқ имтиёзлари ва бож тўловларисиз ишлаш бўйича маҳсус тартибот жорий этилади. Имтиёзлар қаторига қўйидагилар киритиш мумкин:

- ЭИЗлар худуди ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи субъектларни 20 йил давомида кўчмас мулк солиғидан озод қилиш;

- қисман ёки бутунлай даромад солиғидан 20 йилга озод қилиш;

Юкорида таъкидланганидек, анклав ЭИЗлар айнан Польша Республикаси амалиётида

учратиш мүмкін. Республикада анклав тарзда жойлашган ҳудудларда маңсус ЭИЗлар ташкил этиш борасыда 3 та асосий ЭИЗларни ташкил этиш моделларидан фойдаланылади:

**1. Немис модели** - бозорнинг қуий қатламларида фаолият юритувчи ўртача катталикдаги оиласый корхоналарга барқарор қонунчилек базасыда узоқ муддатлы кредитлар беріш билан қўллаб-қувватлашорқали ЭИЗларни ташкил этиш;

**2. АҚШ модели** - энг юқори технологик даража ва илмий ютуқларни фойдаланувчи янги ЭИЗларни яратиш;


**3. Шимолий Италия модели** - иқтисодиёт таркибини қайта қуриш муаммосини ишсизлик масалаларини ҳал қилиш билан боғлаш учун ижтимоий муаммолар ечимиға қаратилган ЭИЗларни ташкил этиш [14].

Польша Республикасида ЭИЗлар ташкил этиш механизми қуйидагича:

- Иқтисодиёт вазирлиги ЭИЗ ташкил этиш варивожлантириш режаси, унинг чегаралари, мақсад ва зарурлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий асосини ишлаб чиқади ва тақдим этади;

- Иқтисодиёт вазирлиги маҳаллий ҳокимиятдан таклифни олгач, аризани Вазирлар Маҳкамасига юборилади;

- Вазирлар Маҳкамаси саноат ва савдо вазирлиги таклифи билан маңсус қарор чиқариш йўли билан рухсат беради [15].



## 2-расм. Польша Республикасида ЭИЗлар ташкил этиш механизми

(Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган)

Польша Республикаси ҳукумати томонидан 1993 йил 24 июнда қабул қилинган Декрет орқали эркин божхона зоналари ва мамлакатнинг бошқа божхона ҳудудлари билан савдо қилиш бўйича қўшимча имтиёзлар бериш йўлга қўйилди. Ушбу ҳужжат қуйидаги имтиёзларни назарда тутади:

- маҳсулотлар эркин божхона ҳудудида тайёрланган, қайта ишланган ёки қадоқланган бўлса, мазкур маҳсулотлар учун божхона солиғини 75 %га қисқартириш;

- ҳудудда ишлаб чиқарилган товар қийматининг 40 фоизи ички Польша божхона майдонида ишлаб чиқарилган бўлса, ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектига 3 йил мобайнида солиқ имтиёзларини тақдим этиш;

- эркин божхона зonasига киритиладиган маҳсулотлар учун божхона тўлови ва солиқларни тўлаш кафолатини бериш мажбуриятидан озод этиш [7].

Мазкур имтиёзлар ҳам Польша Республикасида ЭИЗнинг бир тури сифатида эркин божхона ҳудудларининг ривожланишига ижобий таъсир күрсаттган.

Республикада ЭИЗ одатта, акциядор жамият (АЖ) ёки масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) шаклида ташкил этилади. Аммо, ушбу АЖларининг асосий улусига давлат томонидан әгалик қилинади. Шунингдек, ЭИЗда давлат манфаатини республика Иқтисодиёт вазирлиги ҳимоя қиласы ва мазкур ҳудудларни бошқариш бүйича масъуль ваколатли орган хисобланади.

Мамлакатда мавжуд ЭИЗларнинг асосий фаолият йұналишларини қуйидагилар ташкил этади:

- автомобильсозлик саноати;
- металлга ишлов бериш ва уни қайта ишлаш;
- резина ва пластмасса буюмларини қайта ишлаш;
- металл бўлмаган хом ашёлар етказиши ва уларни қайта ишлаш;
- шиша буюмлардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ёғончни қайта ишлаш ва қофоз ишлаб чиқариш;
- Ахборот технология ва коммуникация соҳалари;
- кимёвий маҳсулотларни тайёрлаш;
- фармацевтика ва косметика, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва бошқалар [8].

## 2-жадвал

### Польшада фаолият олиб бораётган ЭИЗлар хақида маълумот

ЭИЗ номи	ЭИЗ тұғрисида маълумот			
	Ташкил этилган сана	Умумий майдон, га	Киритилган инвестиация миқдори, млрд. злота*	Иш ўринлари сони, нафар
“Камиенна Гора” ЭИЗ	01.12.1997	1386	2,8	6 617
“Стараховис” ЭИЗ		245	3,2	4 800
“Катовис” ЭИЗ	01.07.1996	978	35,4	46 951
“Костжин-Слубис” ЭИЗ	15.10.1997	900	10,0	21,556
“Краков Технологиялар Парки”	01.01.1998	900	8,0	17 800
“Легнис” ЭИЗ	26.05.1997	918	6,6	10565
“Лодз” ЭИЗ	28.05.1997	592	14,9	26 862
“Валбжих Инвест Парк” ЭИЗ		1639	25,7	41375
“Евро-Парк Мелес” ЭИЗ	19.09.1995	1000	10,3	22 927
“Помераниан” ЭИЗ	-	1738	11,1	16,817
“Тссе Евро-Парк Вислосан” ЭИЗ	-	443	9,0	16 307
“Слупск” ЭИЗ	15.11.1997	1738	2,2	2 600
“Варmia-Мазури” ЭИЗ		150	4,3	9 337
“Сувалк” ЭИЗ	01.09.1996	195	3,5	5 440


(Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан түзилген)

Хозирда Польша Республикасида 14 та ЭИЗлар фаолият олиб бормоқда. Шуниси ахамиятлики, мазкур ЭИЗлар комплекс ҳудудлар хисобланади. Саабаби, мазкур ЭИЗлар таркибида 348 та субзоналар ҳам фаолият олиб боради. Жами уларда 2221 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ишлари ЭИЗларда айзо хисобланади. Уларда 280 миндан ортиқ иш ўринлари яратылған [17].

Мамлакатнинг ЭИЗларининг муваффақияти – бу қисқа муддат ичиде Польшага дунёning энг иирик фирмаларини жалб қила олдир. Масалан, автомобильсозлик саноатининг гигантларидан бри “Фольсваген” (Германия) Польшада 30 мингта машина чиқаради.

Италияning “Фиат” компанияси Польшанинг жанубида “Браво”, “Пунто” маркали машиналар чиқармоқда. Германиянинг машхур “Опель” фирмаси “Гливице” автомобилларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Польшанинг ЭИЗлари Жанубий Кореяning автомобил компанияси “ДЭУ” ҳам ўзига жалб қила олди [15]. Бу компания Жанубий Кореядаги тайёрланган машиналарни Словакияга келтиради, уни 8 бўлакка ажратади ва Польшага келтиради. Шу йул билан Европа Иттифоқининг 25 фоизли божхона тўловини тўлашдан кутулади. Сўнгра автомобиллар Польшада яна қайта йиғилади ва реализация қилинади.

Польша Республикасида фаолият олиб бораётган ЭИЗларда мамлакатдан ташқари Германия ва АҚШдан хорижий инвесторларнинг сони кўпчиликни ташкил этади.



**3-расм. Польша ЭИЗларидаги инвесторлар географияси [17]**

Хорижий инвесторлар Польшанинг ЭИЗларига катта қизиқиши билдиришининг асосий сабабларидан бири – бу майдонларни йирик Шарқ (биринчи навбатда, Россия) бозорларига товарларни киритиш учун қулай платформа сифатида баҳоланишидир. ЭИЗларга инвестиция киритаётган хорижий инвесторлар қизиқишлиарини икки йирик гурухга ажратиш мумкин:

- ҳалқаро ва трансмиллий корпорацияларнинг мақсади ўз маҳсулотлари учун янги бозорларга чиқиш имкониятини яратиш;
- ўрта бизнес вакиллари ЭИЗлардаги солиқ имтиёzlари орқали қисқа даврда максимал фойдага эришиш ва арzon ишчи кучидан фойдаланиш.

Умуман олганда, Польшадаги зонал сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, Марказий ҳукумат органлари ЭИХларни ташкил этиш жараёнига фаол қатнашмайди, бюджет дастурлари минимумга келтирилган, давлатнинг бюрократик аралашуви ҳам минимумга келтирилган. ЭИХлар жуда самарали фаолият юритади. Бу мамлакатга инвестиция киритиб, бизнес қилиш юқори фойдалидир [9].

BRICS давлатлари ичидаги давлатлардан бири бўлган Ҳиндистонда ЭИЗларни ташкил этишини жадаллаштириш учун 2000 йилда “Махсус иқтисодий зоналар” сиёсати эълон қилинганлиги алоҳида аҳамиятлидир. Мазкур ислоҳот сабабли, мамлакатда ташкил этиладиган ЭИЗларнинг сони, уларга киритиладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг микдори (шу жумладан, маҳаллий инвесторлар) ҳам орта бошлади [18].

Эркин иқтисодий зоналар фаолияти ривожланган хорижий мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон, Хитой, Бангладеш кабиларнинг тажрибасини таҳлил қиласидан бўлсак, уларнинг аксариятида ЭИЗ ҳудудида юридик шахсларни рўйхатга олиш ва тегишли фаолиятни амалга оширишга рухсатнома бериш тартиблари, ЭИЗ ҳисобланмаган ҳудудлар қонунчилигидан фарқ қиласидан. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида одатда ЭИЗлар ҳудудида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг содалаштирилган тартиби қўлланилишини қайд этиш ўринли [6].




#### 4-расм. Хиндистонда ЭИЗларни ташкил этишининг ўзига хослиги

(Манба: тадқиқотлар асосид муаллиф томонидан тузилган)

Шу билан бирга, ЭИЗлар худудида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишида мажбурий талаблар ҳам белгиланиши мумкин. Улар жумласига тадбиркорлик субъекти устав капиталининг минимал микдорини белгилаш, акционерлар сонига қўйиладиган талаблар кабилардан иборат бўлиши мумкин. ЭИЗларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни ташкиллаштириш муносабатлари ўз ичига мазкур худудларда турли инфратузилма обьектларини ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи турли хизмат кўрсатиши тармоқлари (банклар, сұғурта ва консалтинг хизматлари ва х.к.)ни ташкил қилишдан иборат [13 ].

Хиндистондаги йирик ЭИЗ ҳисобланган комплекс худудларни ташкил этишда Хукумат ташаббускор ҳисобланади. Бунда давлат ихтиёрида бўлган ЭИЗлар бўлишига қармасдан уларнинг таркибида фаолият олиб борувчи кичик ЭИЗлар нодавлат тузилмалар шаклида фаолият олиб борадилар. Бунда кичик эркін іқтисодий зоналар ўз фаолиятини амалга оширишда комплекс худудлар билан савдо айланмаси самарали тарзда йўлга қўйган. Яъни, кичик ЭИЗлар хомашё етказиб беришда комплекс худудларига диллерлик хизматларини кўрсатишади [10].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ЭИЗ мамлакат худудларини іқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, іқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришда ўрни мухим. Хорижий давлатларнинг ЭИЗларни ривожлантиришдаги тажрибалари асосида ЭИЗларни барқарор ривожлантиришдаги умумий механизмни мавжуд.



#### 4-расм. Хорижий давлатларда ЭИЗларни ривожлантириш борасида амал қилувчи умумий механизм

(Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган)

Юқоридаги тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистонда ЭИЗларни ривожлантириш бўйича қуидагиларни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин:

- Республикаиздаги амалдаги ЭИЗларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-хукукий жараёнларни соддалаштириш лозим. Ушбу йўналишда рақамли технологияларни тизимга жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишда Ҳиндистонда кичик саноат ҳудудларининг нодавлат шаклда ташкил этилиш жараёнидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин. Шунингдек, ЭИЗларни назорат қилишда Польша Республикасидаги бошқарув механизмидан фойдаланиш республикаиздаги ЭИЗлар бошқарув тузилмаси либераллашувига хизмат қиласди;

- Мавжуд фаолият юритиб келаётган ЭИЗларга, хусусан, фармацевтика соҳаси учун хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш учун мазкур соҳа бўйича йирик трансмиллий компаниялар учун “Алоҳида имтиёзлар пакети”ни таклиф этиш орқали ЭИЗларнинг инвестицион фаоллигини ва салоҳиятини ошириш имконияти пайдо бўлади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. 24.01.2020. Манба: [www.prezident.uz](http://www.prezident.uz)
2. Dobrogonov F., Farole T. An economic integration zone for the East African community: exploiting regional potential and addressing commitment challenges. World bank policy research working paper 5967. Washington, DC: World Bank.
3. Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. Журнал «ЭКО», 1997, ( № 3), С: 42.
4. Игнатов В.Г., Бутов В.И. Свободные экономические зоны. – М.: Ось-89, 1997.
5. Michael Engman, Osamu Onodera, Enrico Pinali, Export Processing Zones: Past and Future Role in Trade and Development, OECD Trade Policy Working Paper No. 53, TD//TC/WP(2006)39/FINAL, p. 10.
6. Lotta M. The political economy of special economic zones. Journal of Institutional Economics. Volume 11 / Issue 1 / March 2015
7. Ивченко В.В., Самойлова Л. Свободные экономические зоны в зарубежных странах и России. Учебное пособие. Калининград: Янтарный сказ. 2015. - 167С.
8. Dominika Jędrak, Mirosław Odziemczyk, Paweł Tynel. Polish Investment Zone. Polish Investment and Trade Agency S.A. Poland | 2019. Report/
9. Сайдловска М.Э. Функционирование свободных экономических зон в мире и Польше. // Белорусский экономический журнал - № 3 – 2002 - С.76.
10. Miyagiwa, K. F. (1986), ‘A Reconsideration of the Welfare Economics of a Free-Trade Zone’, Journal of International Economics, 21 (3): 337–350.
11. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўкув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет
12. Вохидова М. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг институционал асослари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 йил. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz)
13. Камалов М.М. Эркин иқтисодий зоналарнинг хукукий мақоми. Ўкув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 116 бет.
14. Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал сиёsat:. Монография.- Тошкент: “Фан”- 2008 йил
15. Рашидов М.К. Минтақа иқтисодиётини эркин иқтисодий зоналар фаоллигининг жаҳон тажрибасини умумлаштириш асосида ривожлантириш. 08.00.12 – “Минтақавий иқтисодиёт” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 49-бет.
16. Рашидов М.К. Минтақа иқтисодиётини эркин иқтисодий зоналар фаоллигининг жаҳон тажрибасини умумлаштириш асосида ривожлантириш. 08.00.12 – “Минтақавий иқтисодиёт”

- ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 149 бет.
17. Poland Special economic zones. World Free Zones Organazation. Report. 2018. Index cards realized by the University of Reims, France.
18. SEZ in India – URL: <http://eximguru.com> (Online Exim Encyclopedia)

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Исламова Дилобар Таиржановна

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали,

“Агробизнес ва инвестицион фаолияти”

кафедраси катта ўқитувчи, islamovadt@gmail.com

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**For citation:** Islamova Dilobar Tairjanovna. PROSPECTS OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp: 15-22



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-2>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини аҳамияти, амалга оширилган вазифалар ва ривожлантириш истиқболлари ўрганилиб чиқилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар, кредитлар, солиқ имтиёзлари ҳамда эришилаётган ютуқлар таҳлил қилиниб, ишбилармонлик мухити яхшиланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилганилиги тўғрисида фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар. кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, инвестиция, солиқ имтиёзи, кредит, давлат бюджети, ЯИМ, экспорт, импорт.

### PROSPECTS OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT

### ABSTRACT

Nowadays, the importance of small business and private entrepreneurship, the tasks performed and the prospects of development were studied in this article. Investments, loans and tax incentives were directed to perform the activity of small business and private entrepreneurship and after analyzing the achievements, the feedbacks about the improvement of the business environment and the creation of opportunities for small business and private entrepreneurship were stated.

**Keywords.** small business, private entrepreneurship, investment, tax incentives, loan, state budget, GDP, export, import

### ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются важность малого бизнеса и частного предпринимательства в настоящее время, выполняемые задачи в этой сфере и перспективы их развития. Был проведен анализ инвестиций, кредитов, налоговых льгот и достижений в области развития, изложены

идеи об улучшении деловой среды, создания возможностей для малого бизнеса и частного предпринимательства.

**Ключевые слова.** малый бизнес, частное предпринимательство, инвестиции, налоговые льготы, кредит, государственный бюджет, ВВП, экспорт, импорт.

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини турли мулк шаклларига асосланган холда, бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантириш ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Эркин рақобат асосида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тўхтовсиз ортиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишида, унинг ялпи ички маҳсулотишлаб чиқариш ва бандликни таъминлашдаги улушкини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирларамалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётни яратиш, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини асоси ҳисобланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Республикамизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушкини янада ошириш учун қулай шартшароитлар яратиб беришдан иборат.

Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўскинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўскинлик қилиш, деб баҳоланади», деб таъкидлаб ўтган. [5]

Ўзбекистон ва ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш, кичик бизнес фаолияти самарадорлигини ошириш, кичик бизнес учун қулайишchan муҳитни яратиш, тартибга солишининг пул-кредит механизмларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташабbusлари бўйича дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат иштирокидаги тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш ва банк хизматларининг оммаболлигини ошириш орқали аҳолимизнинг кенг катламлари, кичик бизнес ва оиласи тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш зарурият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4525-сонлиқарорида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташабbusларини қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурларда давлат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг мақсадлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида: 2020 йил 1 январдан бошлиб тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотди

шартномаларини тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланганда коммунал хизматлар бўйича қарздорликларни текшириб олиш; давлат солик хизмати органларига солик тўловчилар томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг аризани ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулқдорлари тўғрисидаги маълумотни бевосита қоғоз кўринишда тақдим этиш ҳамда мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш талаблари бекор қилинди. [1]

Хорижий тажрибалар таҳлилиниң кўрсатишича, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ва роли муҳим ўринга эга. Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аксарият қисми оилавий корхона шаклида иш юритмоқда. Европа давлатлари ялпи миллий маҳсулотининг 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оилавий бизнес ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётида унинг улуши 95 фоиздан зиёд микдорни ташкил этади. Иқтисодиёти ривожланган кўплаб мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ҳамда кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи маҳсус бирлашмалар мавжуд. Бундай ёндашув аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий анъаналарни, оилавий тадбиркорлар сулоласини шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ривожланган мамлакатлар олимларидан М.Г.Лапуста, Ф.Ф.Хамидуллин, М.М.Хайт ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган. [7,8,9]

Америкалик олим Р.Хизрич, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақтини ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс» - деб таъкидлайди. [6]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумий жиҳатлари ўзбекистонлик олимлардан Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, Ш.Ж.Эргашходжаева, Ш.Юлдашев, М.С.Қосимова, Б.К.Ғойибназаров, У.В.Faфуров ва бошқаларнинг ишларида баён этилган. Кичик тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқларида самарадорлигини ошириш йўллари ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари Ҳ.П.Абулқосимов, И.А.Бакиева, Н.К.Муродова, Қ.Муфтайдинов, А.А.Қулматов, М.М.Ибрагимова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган.[10,11,12,13,14]

Аммо амалга оширилган илмий ишларда хизмат соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Иқтисодиётнинг ривожланиши ва бозор ислоҳотларини амалга оширилишини таъминлаш мамлакатимизда кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантириш даражасига боғлиқлиги кўриниб турибди. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига илғор технологияларни кенг жорий этиш, ишбилармонларга янада эркинлик бериш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев, “...тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги

етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиш лозим”, деб таъкидлайдилар. [2]

### **Тадқиқот методологияси**


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ёндошувига асосан рақамли инновацион фаолият янги маҳсулотни унинг ҳақидағи ғоя ҳосил бўлишидан то унинг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва тижорий самара олинишигача бўлган жараён деб тушунилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда оила аъзолари ҳамда ҳамкорларни креатив-функционал ёндошувга асосан эса рақамли инновацион фаолият самарали ижод фаолияти бўлиб, у янги воситалар ёрдамида мавжуд ёки бутунлай янги мақсадларга эришиш деб тушунилади.

Рақамли инновацион фаолият субъектлари сифатида янгиликлар яратадиган ва уларнинг синов намуналарини янги рақамли маҳсулот сифатида ишлаб чиқарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларни ҳам киритадиган бўлсак, илмий-техник йўналишларда хуқукий шахс ҳосил қиласдан тадбиркорлик қилаётган шахслар тушунилиб, улар бу фаолият тури билан шуғулланиш учун гувоҳномалар олган бўлишлари лозим.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-куватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

1-расм маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2020 йил январ-март ойларида кичик корхона ва микрофирмалар 23,3 мингтани ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбитан 23,4 фоизга камдир. Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (39,9 %), саноат соҳасида (18,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (11,3 %), қурилиш соҳасида (7,9 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (7,4 %), ташиш ва сақлашда (2,8 %) ташкил этилган.



**1-расм. 2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг**

**иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг  
2020 йил январ-март маълумотлари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусияти шуки, унинг учун минтақавий омиллар қоида тариқасида, инвестициялар жалб этиш жараёнига таъсири жиҳатидан устунлик қиласди. Инвестициявий муҳит таҳлилини тармоқлар бўйича олиб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтиш керак. Чунки, ижобий инвестициявий омиллар тармоқлар

учун ўзига хос жиҳатларга эга. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда иш муҳитини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар фаол давом эттирилмоқда.

### 1-жадвал


#### **Худудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

	2019 йил январ - март	2020 йил январ - март	(+;-)
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>30 442</b>	<b>23 320</b>	<b>-7 122</b>
Қарақалпоғистон Республикаси	1 280	924	-356
<b>вилоятлар:</b>			
Андижон	1 741	1 829	88
Бухоро	2 182	1 263	-919
Жиззах	1 309	914	-395
Қашқадарё	1 802	1 209	-593
Навоий	889	1 209	320
Наманган	2 078	1 626	-452
Самарқанд	2 940	2 293	-647
Сурхондарё	1 617	1 277	-340
Сирдарё	789	1 003	214
Тошкент	2 856	2 244	-612
Фарғона	2 851	1 436	-1 415
Хоразм	1 804	1 633	-171
Тошкент ш.	6 304	4 460	-1 844

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг  
2020 йил январ-март маълумотлари.**

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Тошкент шаҳрида - 4460 та, Самарқанд вилоятида - 2293 та, Тошкент вилоятида - 2244 та, Андижон вилоятида - 1829 та, Хоразм вилоятида - 1633 та, Наманган вилоятида - 1626 тани ташкил этган. Энг паст қўсаткични Жиззах вилоятида – 914 тани ташкил этган.

Бу эса ўз навбатида иқтисодиёт тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига олиб келмоқда. Натижада, саноат ишлаб чиқаришда, қурилишда, чакана савдо айланмасида ва аҳолига пуллик хизматларда кичик тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши таъминланди (1-жадвал).



**2-расм. 2020 йилнинг январь-мартида Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда,**

Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва дехқон хўжаликлари билан биргаликда)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Диаграмма маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2018 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 12,7 бирликка тўғри келган бўлса, 2019 -2020 йилда бу кўрсаткич ўзгаришсиз қолган.

2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 45,5 % ни ташкилқилди (2019 йилнинг январь-мартида 45,8 %). ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик улушининг пасайиши йирик корхоналар улушининг ошиши билан изоҳланади.



**3-расм. Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушининг пасайиш динамикаси, %да**

Қуйида Андижон вилоятида кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидаги улушларини сўнги ўн йил ичида тахлил қилиб чиқамиз. 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010-2019 йилларда вилоят иқтисодиёт тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида

**2-жадвал**

**Андижон вилоятида кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидаги улуши (улushi %)**

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Саноат	15,5	18,4	18,6	20,3	23,4	32,0	50,4	34,5	21,2	21,4
Қишлоқ хўжалиги	98,6	98,8	99,0	98,9	99,1	99,1	99,4	99,4	99,5	99,3
Инвестиция	58,2	56	50,5	53,5	58,6	58	60,9	63,9	57,7	67,3
Курилиш	95,0	93,1	94,2	90,0	93,2	93,9	93,2	93,8	96,9	97,0
Савдо	87,8	91,6	92,6	90,3	90,3	91,8	93,4	91,9	88,7	87,4
Жами хизматлар	79,6	77,9	75,5	75,9	77,2	75,3	76,5	74,4	71,3	68,7
Юкташиш (млн.тонна)	71,8	74,2	79,7	82,5	85,6	87,8	94,2	94,8	93,9	95,0
Юк айланмаси (млн .тонна- км)	85,5	87,8	89,4	90,6	90,7	86,4	93,5	77,0	66,6	69,3
Йўловчи ташиш (млн.йўловчи)	83,9	81,4	82,9	85,8	84,5	87,8	92,1	96,6	96,4	96,0
Йўловчи айланмаси (млн.пасс-км)	78,8	79,4	80,5	81,4	79,9	83,7	88,0	97,0	96,8	96,1

Экспорт (млн.долл.)	6,3	9,7	11,8	19,6	26,0	50,8	72,0	56,1	75,3	57,8
Импорт (млн.долл.)	3,7	7,1	9,2	5,8	6,6	7,3	15,6	18,1	16,7	15,2

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.**

Жадвал маълумотларига таянадиган бўлсак, вилоят саноат тармоқларида яратилаётган маҳсулотлар таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушкини янада юқори бўлишини таъминлаш мақсадида худудларда кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, уларни кўллаб-куватлаш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлардан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш керак.

### Хулоса ва таклифлар

Кичик бизнесни юритишида инвестицион фаолиятнинг кам ривожланганлиги рисклар даражасининг юқорилиги билан изохланади. Кичик корхоналар доимий ҳамкорлар ва иқтисодий муносабатларни яхши йўлга қўя олмаганликлари сабабли ўз маҳсулотларини сотиш узлуксизлигини таъминлай олмайдилар. Улар учун тадбиркорлик фаолиятларини кафолатлаш ва суғурталаш тизимларини ишлаб чиқиш керак. Ушбу муаммони ечишда инвестицион жозибадорликни ошириш, айниқса, ички манбалардан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш лозим.

Мазкурвазифаларга эришишдақуйидагиларни инобатга олиш ўринлидир:

- кичик бизнесни ривожлантиришга оид меёрий-ҳуқуқий қонунчилик тизимини иқтисодиётда рўйбераётган турли ўзгаришларга мос ҳолда ўзгариш ва қўшимчаларни киритиб бориш;

- экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга иқтисослашган кичик корхоналарга ташки мазкурвазифаларни ишлаб чиқаришга иқтисослашган кичик корхоналарга ташки бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириб бориш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш тизимидағи хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимиз иқтисодиётига тадбиқ қилиш имкониятларини кўриб чиқиш;

- молиялаштиришнинг янги манбаларини шакллантириб бориш, молия ва кредит тизимида бу соҳага доир имтиёзлар бериш орқали қулай инвестиция муҳитини ташкил этиш.

- хорижий инвестицияларни жалб этишда асосан замонавий техника ва технологияларни кириб келишини рағбатлантириш, бунда кўпроқ ҳалқаро лизингдан фойдаланишни йўлга қўйиши кенгайтириш.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини зарурий ахборотлар билан доимий таъминлаб боришни ва малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш;

Юқоридагиларга эришишда ушбу таклифларни амалга ошириш зарурлиги аниқланади.

- иқтисодиётда кичик бизнесни модернизациялаш учун турли мулк шаклларини ривожлантириш, тадбиркорлик тузилмалари хилма-хиллигини таъминлаш ҳамда кичик бизнесни ҳартомонлама чукур ўрганиш асосида таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш лозим;

- маҳсулотларни сотишда тузиладиган шартнома ва келишувларни аниқ мақсадли ҳамда манзилли бўлишини таъминлаш, мижозларни талаб ва истакларини тўлиқ ўрганиб истиқболли товар ва хизматларни ишлаб чиқариш лозим;

- кичик бизнес субъектлари билан молия муассасалари ўртасида ўзараолоқаларни йўлга қўйиши, истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётган соҳа субъектларига кредит шартларини соддалаштириш товар айланмасидан келиб чиқиб фоиз ставкаларини камайтириб бориш мақсадга мувофиқ.

- ишлаб чиқаришни қўллаб қуватлаш, сифатли маҳсулотларни тайёрлаш мақсадида давлат томонидан субсидиялар ажратилишини белгилаш мамлакатда янги очилаётган, ўз фаолиятини шакллантириб бораётган кичик бизнес субъектларига қўшимча рағбатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Мамлакатда бизнес мухитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сонли қарори
2. “Худудларда ахолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласвий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи ПҚ-4231 сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва қонунчилик палатасига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. Тошкент ш.
3. “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, Тошкент ш, 2018й. 7 июн.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимиға бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // <http://aza.uz/oz/politics/erkin-va-farovondemokratik-uzbekiston-davlatini-mard ва-olizh-14-12-2016>
5. Р.Хизрич., С.Питерс. “Предпринимательство”. М., 1991г., 20-с
6. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. - М.: «Инфра-М», 1997. –С. 87.
7. Хамидуллин Ф.Ф. Развитие методологии исследования малого бизнеса. // «Проблемы современной экономики», 2007, №3(19)
8. Хаит М.М. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий. // ВестникМосковского университета, Экономика, 2006, №4. –С. 32-43.
9. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ватадбиркорликасослари. – Т.: Мехнат, 2010. - 349 б.;
10. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.;
11. Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ватадбиркорлик: Ўқувқўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.;
12. Ходжаев Р., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ватадбиркорлик. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 105 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. -365 б.;
- 13.Faфуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Молия, 2016. – 208 б.
14. Н.Р.Актамова Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизmlарини баҳолашнинг ҳолати ва таҳлили. “Халқаро молия ва хисоб” электрон журнали. № 3, декабрь, 2016 йил
15. Д.Т.Исламова, Г.Ҳамдамова Ўзбекитонда оиласвий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш. Иқтисодиётда инновациялар журнали <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-2-8>

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Lapasov Nurali Abduraxmon o'g'li  
TDSHU o'qituvchisi  
nurali.lapasov.92@mail.ru

## О'zbekistonda innovatsiyalar – iqtisodiy taraqqiyotning muhim omili

**For citation:** Lapasov Nurali Abduraxmon o'g'li. INNOVATIONS IN UZBEKISTAN - AN IMPORTANT FACTOR OF ECONOMIC DEVELOPMENT. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp: 23-32



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-3>

### ANNOTATSIYA

Innovatsiyalar va fan-texnika taraqqiyoti iqtisodiy o'sishning asosiy omillaridan biri hisoblanadi. Innovatsion iqtisodiy o'sishda iqtisodiy rivojlanish dinamikasi va aholi farovonligi darajasi, milliy xavfsizlik, jahon iqtisodiyotiga teng huquqli integratsiyalashish imkoniyati, asosan, mamlakatning amaliy faoliyatda fan va texnika yutuqlaridan foydalanish qobiliyati bilan belgilanadi. Shunga ko'ra, mamlakatimizda 2019-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasi tasdiqlangan. Maqolada O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish tendensiyalari, iqtisodiyot innovatsion sektorining rivojlanishiga to'sqinlik qiluvchi sabablar va omillar ko'rib chiqilgan hamda jahon tajribasidan kelib chiqib tavsiyalar berilgan

**Kalit so'zlar:** innovatsion rivojlanish, global indeks, innovavatsion tizim elementlari, ilmiy tadqiqotlar, institutsional ustuvorliklar va vositalar.

## INNOVATIONS IN UZBEKISTAN - AN IMPORTANT FACTOR OF ECONOMIC DEVELOPMENT

### ABSTRACT

Innovation and scientific and technological progress are one of the key factors of economic growth. Innovative economic growth is determined by the dynamics of economic development and the level of welfare of the population, national security, the possibility of equal integration into the world economy, mainly the country's ability to use scientific and technical achievements in practice. Accordingly, the strategy of innovative development of the Republic of Uzbekistan for 2019-2021 has been approved in our country. The article discusses the trends of innovative development of the Republic of Uzbekistan, the causes and factors hindering the development of the innovative sector of the economy and makes recommendations based on world experience.

**Keywords:** innovative development, global index, elements of innovation system, research, institutional priorities and tools.

## ИННОВАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

### АННОТАЦИЯ

Инновации и научно-технический прогресс являются одним из ключевых факторов экономического роста. Инновационный экономический рост определяется динамикой экономического развития и уровнем благосостояния населения, национальной безопасностью, возможностью равной интеграции в мировое хозяйство, прежде всего способностью страны использовать научно-технические достижения на практике. Соответственно, в нашей стране утверждена стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы. В статье рассматриваются тенденции инновационного развития Республики Узбекистан, причины и факторы, сдерживающие развитие инновационного сектора экономики, а также даются рекомендации, основанные на мировом опыте.

**Ключевые слова:** инновационное развитие, глобальный индекс, элементы инновационной системы, исследования, институциональные приоритеты и инструменты.

### Kirish

O'zbekiston Respublikasida hozirgi vaqtida amalga oshirilayotgan iqtisodiy siyosatning asosiy maqsadlaridan biri iqtisodiyotning jadal rivojlanishi va raqobatbardoshligini ta'minlash hisoblanadi. Buning uchun bazaviy sohalarda ishlab chiqarishni qayta qurollantirish, yangi va zamonaviy texnologiyalarni faol joriy qilish va modernizatsiyalashni jadallashtirish orqali tarmoqlar va hududlarda tuzilmaviy o'zgarishlarni amalga oshirish, ular o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik va mutanosiblikni ta'minlash, milliy iqtisodiyotni diversifikatsiyalash, ishlab chiqarish salohiyatini oshirish lozimdir [1]. Bunda mazkur maqsadga erishishda, xususan, bugungi kunning ilm-fan yutuqlaridan keng va samarali foydalanish, ishlab chiqarishda eng ilg'or va so'nggi avlod texnologiyalarini joriy etish, milliy iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohalarida innovatsiyalarning rivojlanishiga e'tiborni yanada kuchaytirish va bunda innovatsiyalar sohasida xorijda yaratilayotgan yangiliklar va tajribalarga suyanib, ularni o'z iqtisodiyotimizga ko'chirib olib kelish bilan chegaralanib qolmasdan, balki, milliy amaliyot va yutuqlarimiz bilan yuqori darajalarga erishish, buning uchun barcha imkoniyat va salohiyatlarimizni ishga solish muhim ahamiyat kasb etadi [2].

### Mavzuning o'r ganilganlik darajasi

Innovatsiya atamasi bugungi kunda juda keng qo'llanilishi uning mazmun-mohiyatini o'rganishga bo'lgan qiziqishlarni yanada kuchaytirmoqda. Shu sababdan mazkur atamaning iqtisodiy mazmun-mohiyatini tadqiq etgan va ochib bergen ayrim iqtisodchi-olimlarning qarashlarini o'rganishni o'z oldimizga maqsad qilib oldik.

Jumladan, rus iqtisodchi-olimi I.T. Balabanov fikriga ko'ra: innovatsiya - nazorat, hisob, rejalahtirish usuli, tahvilga qabul qilishning yangi shakllalarini qamrab olgan holda yangi texnika va texnologiyaga, ishlab chiqarish, mehnat, xizmat ko'rsatish, boshqarishni tashkil etishning yangi shakliga kapitalni kiritishdan olingan moddiylashgan natijani o'zida namoyon etadi [5]. Shuningdek, A.B. Borisov innovatsiyalarni quyidagicha ta'riflaydi: innovatsiya texnologiyalarning yangi turlarini ishlab chiqish, yaratish va tarqatish, yangi tashkiliy shakllarni joriy etishga qaratilgan ijobiy faoliyat natijasini anglatadi [6].

V.G. Medinskiy olib borgan izlanishlari asosida quyidagi xulosaga kelgan: innovatsiya sifatida olib borilgan ilmiy-tadqiqot yoki avvalgiga o'xshash turidan sifat jihatdan farq qiluvchi yangisining yaratilishi natijasida ishlab chiqarishga joriy etilgan ob'ekt tushuniladi [7].

Rus olimlaridan V.V. Glushchenko, I.I. Glushchenkolarning mazkur atamaga bergen ta'riflari quyidagichadir: innovatsiya - tovarlar, xizmatlar va texnologiyalarning firma darajasidagi tashkiliy shakllarning yangi turlarini ishlab chiqish, tayyorlash va tarqatishga yo'naltirilgan ijodiy va investitsion faoliyat natijasi [8].

R.A. Fatxutdinov esa innovatsiya - obyektni boshqarishni o'zgartirish va iqtisodiy, ijtimoiy, ekologik, ilmiy-texnikaviy va boshqa turdag'i samarani olish maqsadida yangilikni joriy etishning yakuniy natijasi, deb baholaydi [9].

Shunga o'xhash ta'rifni V.L. Popov tomonidan ham berilgan bo'lib, unga ko'ra: Innovatsiya - bozorda sotiladigan yangi turdag'i yoki takomillashgan mahsulotning, amaliyotda foydalaniladigan yangi yoki takomillashgan texnologik jarayonning amalga oshirilishini hosil qiluvchi innovatsiya faoliyatining yakuniy natijasi deyilgan [10]. O'zbekistonlik iqtisodchi-olimlar ham - innovatsiya atamasining iqtisodiy mazmun-mohiyatini ochib berish bo'yicha katta izlanishlar olib borishgan va o'zlarining zamonaviy tahlidagi ta'riflari ishlab chiqqanlar.

Shular jumlasida iqtisodchi-olimlar R.I. Gimush, F.M. Matmurodovlar tomonidan innovatsiya deganda - yangilik va yangilik kiritish degan ma'no keltirilgan. Bu yangilik zamirida yangi tartibni, yangi odatni, yangi uslubni, kashfiyotni tushunish lozim, deya ta'rif berilgan [11].

B.E.Toshmurodova, N.Jiyanovalar fikriga ko'ra: - innovatsiya tushunchasi o'z ichiga faqat texnik izlanishlarni olmasdan, balki korxona ishi usulidagi barcha yaxshi o'zgarishlarni (yangi xizmatlar, pastroq narxlar belgilash va boshqa mijozlar uchun qulay sharoitlar yaratish) oladi [12]. Jahon banki tomonidan mazkur atama mazmuniga berilgan ta'rifa ham o'ziga xoslikni ko'rish mumkin: - innovatsiya - texnologiyalarni anglatadi yoki ushbu jamiyatda nimadir yangi narsa amaliyotda qo'llanilishini anglatadi [13]. Umuman olganda, innovatsiyalar mazmuni bo'yicha boshqa iqtisodchiolimlarning nazariy qarashlarini yana ko'plab keltirish mumkin. Biroq, olib borilgan tadqiqotlarimiz asosida biz o'zimizning quyidagi ta'rifni ishlab chiqdik va uni bugungi kunda mazkur atamaning iqtisodiy mohiyatini to'liq ochib berishga yetarlicha xizmat qiladi, deb o'ylaymiz: innovatsiya - bu u yoki bu faoliyat sohasida samaradorlikni oshirish maqsadida yangi texnika-texnologiyalarni yaratish, ishfaoliyatni boshqarishning takomillashgan usul va shakllarini ishlab chiqish hamda ularni joriy etishga qaratilgan ilmiy-ijodiy faoliyat natijasi.

### **Tadqiqot metodologiyasi**

O'zbekistonda innovatsiyalar iqtisodiy o'sishiga ta'sirini ko'rsatib berishga bag'ishlangan ushbu tadqiqotda tizimli tahlil, taqqoslash, guruqlash usullaridan foydalanildi, hamda xalqaro tahlil yondoshuvlariga tayanildi. Barcha jadvallar statistika boshqarmasi va Jahon banki ma'lumotlari asosida, umumlashtiruvchi ko'rsatkichlar hisoblanib, tuzildi.

### **Tahlil va natijalar**


Innovatsion faoliyatni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, milliy innovatsiya tizimini rivojlantirish, yuqori samarali texnologiyalarni joriy etishning yangi mexanizmlarini ishlab chiqish, ilm-fan hamda texnikanining ustuvor yo'nalishlarini jadal rivojlantirish mamlakatimizda hayotga tatbiq etilayotgan keng ko'lamli iqtisodiy islohotlarning muhim yo'nalishlaridandir.

Bularning barchasi innovatsion faoliyat mamlakatimiz iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotida muhim omil bo'layotgani ifodasidir. Yangi bilimlardan foydalanishga asoslangan iqtisodiyoti yuqori darajada rivojlangan davlatlar, qoida tariqasida, yuqori samarali huquqiy asoslarga ega va milliy iqtisodiyotlarning innovatsion rivojlanishini ta'minlaydigan milliy innovatsion tizimlarga ega. Texnologik taraqqiyot sur'ati kundan-kunga tezlashib borayotganligi sababli, O'zbekiston yaqin kelajakda dunyoning rivojlangan davlatlaridan biriga aylanishi uchun ishlab chiqarishni doimiy ravishda yangilab turish zarur. Biroq, amalga oshirilgan bir qator chora-tadbirlarga qaramay, O'zbekiston Respublikasining xalqaro innovatsion jarayonlardagi o'rni hanuzgacha mamlakatning intellektual va texnologik salohiyatiga mos kelmayapti. Biznesning nafaqat ichki, balki texnologik, marketing va tashkiliy tusdagi innovatsiyalarga daxldorligi pastligicha qolmoqda, balki umuman olganda O'zbekiston o'z ilmiy salohiyatiga ega bo'lmagan mahsulotlarni chet elga sotmoqda.

2015-yilda O'zbekistonning global innovatsion indeksi (GII) 25,9 punktni (shkala bo'yicha 100 ball) tashkil etib, dunyo mamlakatlari reytingida 122-o'rinni egalladi [14]. Iqtisodiyotning real sektorini jadal modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlash, eksport salohiyatini oshirish mamlakatimizning eng muhim vazifalari bo'lib qolmoqda. Ushbu maqsadlarni amalga oshirishga mahalliy innovatsion ishlanmalarni moliyalashtirishning samarali ishlaydigan mexanizmini yaratish yordam berishi mumkin, bunda rivojlangan davlatlar tajribasi shuni ko'rsatadiki, nafaqat davlat, balki sanoatning o'zi, korxonalar va ishbilarmonlik muhitni vakillari ham ishtiroy etishi kerak. Shunday qilib, so'nggi global innovatsion indeksda O'zbekiston oldida turgan bir qator jiddiy muammolar ko'rsatilgan. 2015-yildagi O'zbekistonning innovatsiyalar reytingining tahlili shuni ko'rsatadiki, ko'plab omillar innovatsion muhitni yaratishga yordam bermaydi.

O'zbekiston "qonunchilik sifati" (normativ-huquqiy hujjatlar sifati, 139-o'rinn) va "qonun ustuvorligi" (huquqiy normalarga rioxal qilish, ijro etilishi, 133-o'rinn) kabi ko'rsatkichlar bo'yicha eng past ko'rsatkichlarni oldi. Shuni ta'kidlash kerakki, ushbu ko'rsatkichlar O'zbekistondagi biznes vakillari va investorlardan so'ralgan ma'lumotlarga asoslanadi. Bunday past reytinglar, o'z navbatida, nafaqat yangiliklarning reytingi, shuningdek, mamlakatning oddiy sarmoyadorlar uchun jozibadorligiga salbiy ta'sir qiladi.

O'zbekistonning yetakchi mamlakatlar bo'yicha o'rtacha GII ko'rsatkichi (57,8 ball) o'rtasidagi tafovut 2,3 martani, yuqori texnologik mahsulotlarni eksporti (eksport tarkibida) - 4,5 martani (21,4% ga nisbatan 4,7%) tashkil etdi. Shunga o'xshash manzara iqtisodiyotning tarmoqlari, innovatsion mahsulotlar bozoridagi mahsulotlar, innovatsion kichik korxonalar soni, patent faoliyati va innovatsion faoliyatning boshqa ko'rsatkichlari bo'yicha innovatsion mahsulotlar ulushi bo'yicha shakllanmoqda. Shunday qilib, so'nggi yillarda innovatsiyalarni joriy etgan tashkilotlar sonining o'sishiga qaramay (1-rasm), ularning ulushi O'zbekiston Respublikasida ro'yxatdan o'tgan korxona va tashkilotlar (fermer xo'jaliklarisiz) umumiyligi sonining atigi 0,37% tashkil etadi. Umuman olganda, mamlakat iqtisodiyotining yuqori texnologiyalarini aks ettiruvchi yana bir ko'rsatkich bu patentga berilgan talabnomalarining soni. Patent berish uchun berilgan talabnomalar soni bo'yicha O'zbekiston MDH, xususan Rossiya Federatsiyasidan ancha orqada qolmoqda (50 mingga qarshi 250 ta ariza). Natijada, taklif tomonida ham, innovatsion faoliyatni jadallashtirish uchun zarur shart-sharoitlar mavjud emas, chunki biznesda va talab bo'yicha (mahalliy korxonalar) ishlab chiqarishga tayyor bo'lgan mahalliy ilmiy ishlanmalar kam. Ilmiy tadqiqotlar uchun sarf-xarajatlar takomillashmagan qonunchilik bazasi sharoitida korxonalar tomonidan talabning pastligi natijasida o'smayapti, bunda tadbirkorlar davlatdan yangi soliq imtiyozlari, imtiyozlar olish yoki turli xil sxemalarni davlatdan olib qo'yish uchun foydalanmoqdalar.



**1-rasm. Innovatsiyalarni joriy qilgan korxona va tashkilotlar ulushi, %**

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasasi.


Ta'kidlash joizki, innovatsion faollikni rag'batlantirish faqat halol raqobat, tovarlar va xizmatlarning raqobatbardosh bozorlarini shakllantirish sharoitida yuzaga keladi. Davlatning innovatsion rivojlanish bosqichiga kirish istiqbollari mamlakatning ilmiy salohiyatidan foydalanish samaradorligi bilan belgilanadi [15]. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining ma'lumotlariga ko'ra, O'zbekistonning ilmiy salohiyati 36 mingdan ortiq kishini tashkil etadi, ulardan: 2549 fan doktori, 9254 nafari fan nomzodlari va 15,7 mingdan ortig'i ilmiy xodimlardir. Ilmiy-tadqiqot ishlari O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining 45 ta ilmiy-tadqiqot institutlarida, Oliy va O'rta Maxsus Ta'lim Vazirligining 36 ta oliy o'quv yurtlarida, Sog'liqni saqlash vazirligining 34 ta ilmiy tashkilotlarida, Sog'liqni saqlash vazirligining 30 ta ilmiy va oliy o'quv yurtlarida olib borilmoqda. Biroq, umuman olganda, biznes o'z resurslari va O'zbekistonda ishlaydiganlar chet elga qaraganda ancha arzon bo'lgan olimlarning imkoniyatlaridan foydalanmaydi.

Jahon amaliyoti shuni ko'rsatadi, ilmiy va innovatsion sektorning holati ko'p jihatdan uni barcha darajadagi byudjetlar tomonidan moliyalashtirish hajmiga, birinchi navbatda, biznes fondlari,

xususiy tashkilotlar, shuningdek ilmiy tashkilotlar va universitetlarning o'z mablag'lari bilan bog'liqdir.

2019-yilda mutlaqo yangicha mazmun va shakldagi 4 ta Prezident maktabi, 3 ta Ijod maktabi ish boshladi. Oliy ta'limni rivojlantirish uchun o'tgan yili 19 ta yangi oliy o'quv yurti, jumladan, 9 ta nufuzli xorijiy universitetning filiali ochildi. Yetakchi xorijiy universitetlar bilan hamkorlikda 141 ta qo'shma ta'lim dasturi bo'yicha kadrlar tayyorlash yo'liga qo'yildi. Oliy ta'lim muassasalariga jami 146 ming 500 nafar yoki 2016 yilga nisbatan 2 barobar ko'p talaba o'qishga qabul qilindi.

Ilmiy-tadqiqot ishlaringin jadalligi bo'yicha YaIMdan foydalanishda fan xarajatlari ulushi bilan o'lchanadigan bo'ilsak, O'zbekiston nafaqat iqtisodiy rivojlangan davlatlar, balki dunyoning ba'zi rivojlanayotgan mamlakatlaridan ham orqada qolmoqda [6]. So'nggi yillarda mamlakatda ilmiy-texnik ishlarga sarflanadigan xarajatlар ulushi yalpi ichki mahsulotga nisbatan 0,2 foizni tashkil etadi. Bundan tashqari, 1999 yildan 2016 yilgacha ilmiy va texnik ishlarning umumiyligi qiymati. bir yarim martadan ko'proqqa - 0,21% gacha kamaydi (2-rasm).




**2-rasm. Ilmiy-tadqiqot ishlarini olib boruvchi tashkilotlar ulushi va 1999–2016 yillarda O'zbekiston Respublikasida ilmiy-texnikaviy ishlar xarajatlari ulushi**

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi

G'arbning etakchi davlatlari ilmiy-tadqiqot ishlariiga YaIMning 2-3 foizini, shu jumladan AQShda - 2,7 foizni, Yaponiya, Shvetsiya, Isroil kabi mamlakatlarda ular YaIMning 3,5-4,5 foizini sarflaydilar. Xitoy ilmiy-tadqiqot ishlariiga sarflanadigan xarajatlarni juda tez oshirmoqda (YaIMning 1,7%). Keyingi o'n yillikda Xitoy ilm-fanga sarflanadigan xarajatlari bo'yicha AQShdan o'zib ketishi kutilmoqda. Hindistonda ilmiy-tadqiqot ishlari uchun sarf-xarajatlari juda tez o'sib bormoqda. Evropa Ittifoqi ilmiy-tadqiqot ishlariiga sarflanadigan xarajatlarni YaIMning 3 foizigacha oshirishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yan. Shunday qilib, Yaponianing YaIMdagagi ilmiy-tadqiqot ishlari xarajatlari ulushi 3,4% ni tashkil qiladi. Barcha ITI xarajatlarining 70 foizi xususiy kompaniyalarda, 19,3 foizi universitetlarda, 8,8 foizi davlat ilmiy-tadqiqot institutlarida, 1,8 foizi boshqa xususiy tadqiqot institutlarida. Yaponianing innovatsion tizimi markazlashgan bo'lib, davlat faol muvofiglashtiruvchi rol o'ynaydi. Siyosatni va ustuvor yo'nalishlarni ishlab chiqadigan asosiy organ Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Fan va texnologiyalar sohasidagi siyosat bo'yicha Kengashdir (CSTP). Ilmiy-tadqiqot ishlariiga davlat xarajatlari (Yaponiya yalpi ichki mahsulotidagi ITI xarajatlarining 3,4%) 8. Ta'lim, madaniyat, sport, fan va texnologiyalar vazirligiga (MEXT) - 65%, Iqtisodiyot, savdo va sanoat vazirligiga (METI) - 17 %, boshqa vazirliliklar - 2-4%. Yaponiya hukumati barcha milliy universitetlar va laboratoriyalarni nazorat qiladigan MEXT qoshidagi Fan va texnologiya siyosati milliy instituti (NISTEP) tomonidan fan va texnologiya siyosatini rejalashtirishda ishtiroy etmoqda. Iqtisodiyot, savdo va sanoat vazirligi kichik va o'rta biznes sohasida siyosatni ishlab chiqadigan va uning qoshidagi ilmiy-tadqiqot institutlari - Milliy ilg'or sanoat fanlari va texnologiyalar milliy instituti (AIST) va rivojlantirish va tatbiq etish tashkiloti bo'lgan innovatsion tizimda vositachi sifatida ishlaydi. Yangi energiya, ekologik va sanoat texnologiyalari (NEDO). Yana bir muhim tashkilot

Yaponiya tashqi savdo tashkiloti (JETRO) bo'lib, u Yaponiya kompaniyalarini tashqi bozorlarda ilgari suradi va texnologiyalar haqida ma'lumot to'playdi.



**3-rasm. 2019-yilda tashkilotlar tomonidan bajarilgan ilmiy-tadqiqot ishlanmalarining ulushi, %**

Bundan tashqari, aksariyat mamlakatlarda asosiy tadqiqotlar an'anaviy ravishda asosan davlat sektorida olib boriladi va biznes sohasi amaliy tadqiqotlar bilan shug'ullanadi. Ta'kidlash joizki, texnologik jihatdan rivojlangan mamlakatlarda biznes sektorining tadqiqotlarga sarflanadigan xarajatlari (60-70%) davlatning ilmiy-tadqiqot ishlariga sarflaydigan xarajatlaridan ancha yuqori. O'zbekistonda ilmiy-tadqiqot ishlarini moliyalashtirishda davlat sektorining yuqori mavqeiga ega bo'lgan tuzilma saqlanib qolimmoqda - 40% (3-rasm).

Birinchidan, shuni ta'kidlaymizki, 2015-yilda GII reytingini tuzishda O'zbekiston eng kam ma'lumotlarga ega davlatlar ro'yxatiga kiritilgan edi, mamlakat 2016-2019-yillar reytingiga kirmadi. Shuningdek, mamlakat, ehtimol, 2020-2022-yillar reytingiga kira olmaydi, chunki bunday reytinglar to'g'risidagi ma'lumotlar ular tuzilishidan ancha oldin to'planib, ko'p hollarda ular tahlil qilinib, hisoblab chiqiladi. O'zbekiston ushbu reytingga kirishi uchun xalqaro tashkilotlarning talablariga javob beradigan ma'lumotlarni yig'ishni tashkil etish kerak. Ushbu reytingda aksariyat indekslar boshqa xalqaro tashkilotlarning ko'rsatkichlariga asoslanadi, bu holda, agar xalqaro tashkilotga xabardor qilinmasa yoki sifatsiz ma'lumotga ega bo'lsa, unda bu holat ushbu va boshqa ko'rsatkichlarning sifatiga salbiy ta'sir qiladi. Shuning uchun barcha tegishli vazirlik va idoralarga xalqaro ko'rsatkichlarga ta'sir ko'rsatadigan ko'rsatkichlarni o'z vaqtida yig'ish va ta'minlashga alohida e'tibor qaratish tavsiya etiladi.

Global Innovation Index 2019 hisobotida 129 mamlakatdagi innovatsion faoliyat to'g'risidagi ma'lumotlar mavjud. Baholash uchun innovatsion rivojlanish haqida to'liq tasavvur beradigan 80 parametr ishlatalidi, shu jumladan siyosiy vaziyat, ta'lim holati, infratuzilma va biznesning rivojlanish darajasi. Shuningdek, Butunjahon intellektual mulk tashkiloti va Kornel universiteti (AQSh) tomonidan olib borilayotgan mamlakatning innovatsion iqlimini o'rganish. 2019-yil hisobotida Shveytsariya innovatsiyalarni rivojlantirish bo'yicha dunyo yetakchilari reytingida birinchi o'rinda, undan keyin Shvetsiya, Amerika Qo'shma Shtatlari (AQSh), Gollandiya va Buyuk Britaniya. Shuningdek, Hindiston, Janubiy Afrika, Chili, Isroil, Singapur, Xitoy, Vietnam va Ruanda daromadlari bo'yicha guruhlarga kiritilgan mamlakatlarning yetakchi o'rinalarini egallashgan.

2019 Global Innovation Index (GII) hisoboti quyidagicha xulosa qiladi:


- So'nggi yillarda dunyoda muhim innovatsion o'zgarishlar ro'y berdi, uning davomida ilmiy, texnik va innovatsion landshaftda tarkibiy o'zgarishlar yuz berdi. Rivojlanayotgan davlatlarning innovatsion rivojlanishdagi roli o'sib bormoqda va BMT xalqaro patent tizimi doirasidagi xalqaro patentlarning umumiy sonidagi ulushi ham o'smoqda;
- Rivojlangan mamlakatlarda olib borilayotgan ilmiy tadqiqotlar va ilg'or ishlanmalarga sarf-xarajatlar pasaymoqda, rivojlanayotgan mamlakatlarda esa ilmiy va innovatsion faoliyatni rag'batlantirishda davlatning roli kuchaymoqda;
- Hisobot mualliflari dunyoda protektsionizm siyosati o'sib borayotganidan tashvishlanmoqdalar, chunki bu siyosat innovatsiyalarning zararli tarqalishiga juda salbiy ta'sir

ko'rsatmoqda va bu innovatsion mahsulotlarning oxirgi foydalanuvchilariga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda;

- Ko'p yillar davomida muqarrar ravishda dunyo miqyosida inovatsion rivojlanish bo'yicha peshqadam bo'lgan mamlakatlarning juda cheklangan guruhi;
- Yetakchi ilmiy va texnik klasterlarning aksariyati AQSh, Xitoy va Germaniyada joylashgan; Braziliya, Hindiston, Eron, Rossiya Federatsiyasi va Turkiya ham ushbu klasterlarning eng yaxshi yuztaligidadir. Ushbu reytingning dastlabki besh qatorini quyidagi guruhlar egallaydi: Tokio - Yokohama (Yaponiya); Shenzhen - Gonkong, Xitoy (Xitoy); Seul (Koreya Respublikasi); Pekin (Xitoy); San-Xose - San-Fransisko (AQSh).

O'zbekiston 2030-yilga qadar Innovatsion rivojlanish strategiyasini amalga oshirish doirasida ushbu ko'rsatkich bo'yicha eng yaxshi 50 mamlakat qatoriga kirishni o'z oldiga katta maqsad qilib qo'ygan.

Ushbu vazifani amalga oshirish vazirlik va idoralarning faol va kelishilgan ishini talab qiladi, chunki Global innovatsion indeks ko'rsatkichlarining aksariyati mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy tizimining turli sohalariga tegishli. Masalan, Global innovatsion indeks - ta'lif xarajatlari (YaIMga nisbatan%), kapital bozorining rivojlanishi, YaIM energiya sarfini pasayishi yoki logistika infratuzilmasining yaxshilanishi kabi ko'rsatkichlarni o'z ichiga oladi.



**4-rasm. Xalqaro kapital bozorining rivojlanishida mamlakatlarning innovatsion ko'rsatkichlari**

Shunday qilib, GII indeksining 50-chi qatoriga kiruvchi davlatlar o'rtaсидаги тафовут таҳлили шуни ко'rsatdiki, eng katta bo'shliqlar quyidagi sohalarda qayd etilgan:

- Oliy ma'lumot (oliy o'quv yurtlarida chet el fuqarolarining ulushi, universitetlarga kirish);
- Fan (ilmiy nashrlar soni, olimlarning iqtiboslari, 1 million kishiga to'g'ri keladigan olimlar soni);
- Kapital bozorining rivojlanishi va to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarning kirib kelishi;
- AKT sektori (aholini LTE tarmoqlari bilan qamrab olish, Internet va AKTdan foydalanish va hk.).
- Moliyaviy infratuzilmani rivojlantirish

Xalqaro ma'lumotlarni taqqoslash shuni ko'rsatdiki, kapital bozorining rivojlanishi mamlakatning innovatsion o'sishining muhim omillaridan biri bo'lishi mumkin.

Kapital bozorini rivojlantirish xususiy sektorda innovatsiyalarni rag'batlantirishning alternativ va muhim vositasi bo'lishi mumkin:

Bozor likvidligining o'sishi;


O'zlarining tabiatи bo'yicha an'anaviy bank sektori kam faol bo'lган innovatsion loyihalarni moliyalashtirish uchun yangi moliyaviy vositalarning paydo bo'lishi;

Xususiy sektorga institutsional investorlarni jalb qilish.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Markaziy Osiyodagi eng zich joylashgan mamlakat bo'lganligi sababli, inson kapitaliga investitsiyalar hisobiga innovatsion rivojlanishda muhim zaxiraga ega: ta'limga kirishni ko'paytirish, global ta'lif reytingiga (PISA, TIMMS) kirishni rag'batlantiruvchi omil

ilmiy va texnik faoliyat hisoblanadi. Masalan, Jahon bankining ma'lumotlariga ko'ra, 2017-yilda ilmiy-tadqiqot sohasida Vietnamda 672 ta, Chernogoriyada 833 yoki Sloveniyada 3900 tadqiqotchi (GIIning eng yaxshi 50 mamlakatiga kiruvchi davlatlar) ishtirok etgan.

Binobarin, keyingi yillarda mamlakat oldiga ko'proq yoshlarni ilm-fan va izlanishlarga jalb qilish vazifasi yuklatiladi. Respublikaning Innovatsion rivojlanish vazirligi bu borada muayyan qadamlarni tashlamoqda.



**5-rasm. 1 million kishiga to'g'ri keladigan olimlar soni**

Masalan, vazirlik qoshida Prezident qarori bilan Yoshlar akademiyasi yuridik shaxs maqomisiz tashkil etilmoqda. Tanlov asosida akademiyaga iqtidorli yoshlar va talabalar, shuningdek, 40 yoshgacha bo'lgan olim va tadbirkorlardan iborat, o'zlarining innovatsion loyihalari va g'oyalariga ega bo'lgan jamoalar qabul qilinadi. Yoshlar akademiyasi rahbariyati innovatsion rivojlanish vazirining birinchi o'rinnbosariga yuklatilgan. Shuningdek, Yoshlar akademiyasida Iqtidorli yoshlarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi tashkil etiladi. Ustav fondida (ulushi) 50 foiz va undan ortiq miqdordagi davlat ulushi bo'lgan yuridik shaxslar, shuningdek ustav fondida (kapitali) 50 foiz va undan ortiq miqdordagi davlat ulushi katta bo'lgan korxonalarga tegishli bo'lgan yuridik shaxslar har yili o'tkazib beradilar. Innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasiga yiliqa 10%. Jamg'arma shuningdek, Yoshlar akademiyasi Vasiylik kengashi a'zolarining xayriya xayriyalari, xalqaro moliya institutlari va donorlarning grantlari va kreditlari hamda boshqa manbalar hisobidan to'ldiriladi. Yoshlar akademiyasi loyihalarni amalga oshiradigan ustuvor yo'naliishlarga sun'iy intellekt, qayta tiklanadigan energiya, robototexnika, mexatronika, farmatsevtika, biotexnologiya, dasturlash, sanoat dizayni, 3D modellashtirish va boshqa istiqbolli sohalar kiradi.

Shu bilan birga, shuni ta'kidlash kerakki, ushbu tashabbusni amalga oshirishda iqtisodiyot, sotsiologiya, psixologiya va boshqalar (ijtimoiy fanlar) kabi fanlarni unutmaslik kerak. Shunday qilib, "Scopus" statistik ma'lumotlariga ko'ra (ilmiy jurnallarda chop etilgan maqolalar havolasini kuzatish uchun vosita - tahr.) 2016-2018 yillarda nashr etilgan 1813 ta maqoladan faqat 100 ga yaqin maqolalar ijtimoiy fanlarga tegishli edi.

Shunday qilib, boshqa ambitions choralarsiz boshqa rivojlanayotgan mamlakatlarning ilmiy kechikishini kamaytirish juda qiyin bo'ladi. Masalan, chop etilgan ilmiy maqolalar soni bo'yicha O'zbekiston va boshqa rivojlanayotgan davlatlar o'rtasida GII indeksining 50taligiga kirgan davlatlar orasida sezilarli tafovut mavjud.

Yoshlarni fanga jalb qilish va ilmiy faoliyat sifatini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- markazlashtirilmagan holda ilmiy-tadqiqot faoliyatini moliyalashtirishning an'anaviy markazlashtirilgan modelini o'zgartirish;
- ilmiy tematik startap-inkubatorlarni yaratish;
- turli mavzular bo'yicha mustaqil olimlar va tadqiqot guruqlarini moliyalashtirish uchun vositalarni yaratish

- etakchi mahalliy va xorijiy olimlar ishtirokida o'tkazilgan treninglar va seminarlar, shuningdek ommaviy axborot vositalarida yoshlar orasida ilmni ommalashtirish (masalan, bu borada O'zbekistonda birinchi zamonaviy mashhur ilmiy jurnallardan biri QVANT paydo bo'lgan);
- xususiy sektor va boshqa tarmoqlar (AKT) bilan yaqindan tanishadigan (masalan, inson kapitali, barqaror rivojlanish) ilmiy tadqiqot laboratoriyaning moliyalashtirish, shu bilan fanni tijoratlashtirishni kuchaytirish va kelgusi rivojlanish uchun investitsiyalar va grantlarni jalg qilish davlat, biznes va jamiyat uchun.

Ushbu chora-tadbirlarning amalga oshirilishi O'zbekistonga sifatlari ilmiy yutuqlarga erishish imkonini beradi, bu esa davlat institutlari reytingidagi pozitsiyalarga ijobjiy ta'sir qiladi, mahalliy universitetlarga 500 ta eng yaxshi universitetlar ro'yxatiga kirishga, ilmiy faoliyatning nufuzini oshirishga imkon beradi. mamlakatning innovatsion iqtisodiy rivojlanishiga hissa qo'shamdi.

### **Xulosa va takliflar**

Biz O'zbekistonni rivojlangan mamlakatga aylantirishni maqsad qilib qo'ygan ekanmiz, bunga faqat jadal islohotlar, ilm-ma'rifat va innovatsiya bilan erisha olamiz.

Ko'pgina xalqaro reytinglarning ustunlari davlat institutlarining sifat ko'rsatkichlari, moliya va bozor institutlarining samaradorligi ko'rsatkichlari, shuningdek, inson kapitali to'planishining ko'rsatkichlari hisoblanadi.

Ushbu vazifalarni amalga oshirish vazirliklar va idoralarning faol va kelishilgan ishini talab qiladi, chunki Global Innovation Index yoki Global raqobatbardoshlik indeksi kabi ko'rsatkichlarning aksariyati ko'p sonli kichik tarkibiy qismlardan tashkil topgan ko'rsatkichlardir. Shu bilan birga, 2030-yil uchun Innovatsion rivojlanish strategiyasida belgilangan maqsadli ko'rsatkichlarga erishish, aholi jon boshiga YaIMni sezilarli darajada oshirish, raqobatbardosh xususiy sektorni yaratish va umuman xorijiy investitsiyalar oqimini xom ashyo sektoridan real iqtisodiyotga o'tish imkonini beradi.

Ta'lim tizimini takomillashtirish va inson kapitalini rivojlantirish; fan, ixtiolar va texnologiyalari transferini rivojlantirish; innovatsion faoliyatni moliyalashtirish tizimini takomillashtirish; raqobatni rivojlantirish va ma'muriy to'siqlarni qisqartirish; infratuzilma va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish kabi yo'nalishlarni rivojlantirish muhim.

Buning uchun, avvalambor, tashabbuskor islohotchi bo'lib maydonga chiqadigan, strategik fikr yuritadigan, bilimli va malakali yangi avlod kadrlarini tarbiyalashimiz zarur. Shuning uchun ham bog'chadan boshlab oliy o'quv yurtigacha – ta'limning barcha bo'g'inlarini isloh qilishni boshladik.

Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo'lidan borish imkoniyatini beradi.

Innovatsiyalar darajasi qancha yuqori bo'lsa, YaIM ko'rsatkichlari ham shuncha baland bo'ladi, shuning uchun iqtisodiy taraqqiyotga erishish uchun yangiliklarni har bir sohga jalg qilish zarur.

Innovatsion mahsulotlarni rivojlantirish uchun innovatsion yechimlar iste'molchisini shakllantirish zarur.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

[1] «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldag'i PF-4947-sonli Farmoni. O'zbekiston Respublikasining hujjatlar to'plami. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

[2] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida»gi farmoni// [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz).

[3] <https://uza.uz/uz/politics/har-bir-sohada-ilm-rivojlansa-pirovard-natijada-iqtisodiy-ba-13-06-2020>

[4] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majliga Murojaatnomasi. 2020 yil 24 yanvar. "Xalq so'zi", 2020 yil 25 yanvar.

- [5]Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – Спб.: Питер, 2001. – С. 41.
- [6]Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.: Книжный мир, 2000. – С. 185.
- [7]Медынский В.Г. Инновационный менеджмент. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 28.
- [8]Глущенко В.В., Глущенко И.И. Исследование систем управления: социологические, экономические, прогнозные, плановые, экспериментальные исследования. 2-е изд. – М.: ООО НПТС «Крылья», 2004. С.30.
- [9]Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – Спб.: Питер, 2004. – С. 19.
- [10]Попов В.Л. Управление инновационными проектами. Учебное пособие. – С.: ИНФРА-М, 2009. – С.11.
- [11]Gimush R. I., Matmurodov F. M. Innovatsion menejment: Iqtisodiyot oliv o'quv yurtlari uchun o'quv qo'l. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. – B. 10.
- [12] Toshmurodova B.E., Jiyanova N. Innovatsion faoliyatni moliyaviy rag'batlantirish. O'quv qo'llanma. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. – B. 11.
- [13] Innovation Policy A Guide for Developing Countries. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 1818 H Street, NW, 2010. – P.28.
- [14] Cornell University, INSEAD, and WIPO (2015): The Global Innovation Index 2015: Effective Innovation Policies for Development, Fontainebleau, Ithaca, and Geneva.
- [15] «Концепция инновационного развития Республики Узбекистан на 2012–2020 гг.», разработанная в соответствии с планом мероприятий Института прогнозирования и макроэкономических исследований и Проекта ПРООН «Поддержка в сфере инновационной политики и трансфера технологий».

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Абдуллаева Ирода Махмуджановна**  
Доцент Ташкентского государственного  
экономического университета

**Хошимова Дилёра Пахриддиновна**

Старший преподаватель Ташкентского государственного  
экономического университета

**Хомидов Хамдам Хасанович**

Ассистент Ташкентского государственного  
экономического университета

**Рахмонова Мафтуна Бобокул кизи**

Магистрантка в Ташкентском государственном  
экономическом университете

## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БАНКОВСКИХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**For citation:** Abdullayeva Iroda Mahmudjanovna & Xoshimova Dilyora Paxriddinovna & Xomidov Xamdam Xasanovich & Raxmonova Maftuna Bobokul qizi. PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF BANKING INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp: 33-38



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-4>

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена перспективам развития банковских информационных систем в Республике Узбекистан и освещает такие вопросы, как обработка значительных потоков информации в банковской информационной системе с использованием передовых средств обработки информации.

**Ключевые слова:** информационная система, скорость обработки информации, компьютерные сети, сетевые технологии, оптимизация работы банка.

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA BANK AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqola O'zbekiston Respublikasida bank axborot tizimlarini rivojlantirish istiqbollariga bag'ishlangan bo'lib, axborotni qayta ishlashning ilg'or vositalaridan foydalangan holda, bank axborot tizimidagi muhim oqimlarni qayta ishlash kabi masalalarni yoritadi.

**Kalit so'zlar:** axborot tizimi, ma'lumotlarni qayta ishlash tezligi, kompyuter tarmoqlari, tarmoq texnologiyalarini, bank operatsiyalarini optimallashtirish.

## PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF BANKING INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ABSTRACT

This article is devoted to the prospects of the development of banking information systems in the Republic of Uzbekistan and highlights issues such as the processing of significant flows of information in the banking information system using advanced information processing tools.

**Keywords:** information system, information processing speed, computer networks, network technologies, bank operation optimization.

### Введение

В настоящее время, банковская система Узбекистана входит в новый этап развития. Современная модернизация банковской деятельности невозможна без внедрения последних достижений научно-технического прогресса в банковское дело, освоения электронно-вычислительной техники, применения экономико-математического моделирования.

Быстрая и беспрерывная обработка значительных потоков информации является одной из главных задач любой крупной финансовой организации. В соответствии с этим появляется необходимость применения информационных банковских технологий позволяющих обрабатывать все более большой объем информации. Не мало важным является то, что на базе информационных технологий создаются, а также реализуются многочисленные банковские услуги, которые с каждым годом обновляются. Поэтому большинство современных банков ставят задачу внедрение новых информационных технологий.

### Степень изученности исследования

Исследования голландского ученого Яна Бремана в его книге «Работа в неформальной экономике Индии: взгляд снизу вверх» показывают, что в процессе цифровизации рынки резко меняются. Многие компании пытаются оцифровать свой бизнес. Тем не менее, большинство секторов национальной экономики не используют в полной мере преимущества цифровизации. [6]

Экономисты Е. Кейн, Джеральд С. Палмер, «Оцифровка. Практические рекомендации по перевозке бизнеса на цифровых технологиях» исследовали, как масштабная цифровизация влияет на развитие компаний. Они пришли к важному выводу, что фирмы должны не только создавать стратегии, модели и технологии, но и рисковать. [7]

### Методология исследования

Основной темой исследования является научное изучение закономерностей, тенденций и возможностей развития цифровой экономики в Узбекистане, в том числе ее использование в банковской системе, в частности, уровень проникновения информационных технологий в различные сектора экономики. Развитие и перспективы нашей страны, успех широкомасштабных реформ в нашей стране напрямую зависят от внедрения инноваций в нашу национальную экономику. Поэтому важно улучшить цифровую экономику в банковской системе, научное и практическое изучение ее экономической, политической, социальной и правовой базы. В исследовательской работе использовались такие методы, как наблюдение, обобщение, группировка, сравнение, индукция, дедукция.

### Анализ и результаты

Процесс финансовой глобализации и формирования мировой «банковской индустрии» за последнее десятилетие привел к повсеместной стандартизации банковских продуктов и технологий, сделав их «узнаваемыми», понятными и доступными для клиентов в любом уголке земного шара.

Важным фактором, эффективно влияющим на бизнес современной организации, является новая сетевая архитектура информационной системы, создаваемая на основе интеграционной технологии – интранет.

Такой подход обеспечивает возможность эффективного объединения программных решений, наработанных ранее, создаваемых в настоящий момент и проектируемых на основе

разнородного аппаратного обеспечения в общую информационную среду банка - интранет с едиными правилами создания и потребления информации, с единым унифицированным доступом к информации.

На практике именно интранет позволяет создать информационную систему банка на основе уже существующей технической инфраструктуры. Причина заключается как в максимально обобщенном подходе интранет к потреблению информации, так и в максимально гибких технических методах и подходах, которые лежат в основе интранет.

Преимущество сетевой технологии - в эволюционном характере ее внедрения, который позволяет добиться практически стопроцентного сохранения сделанных ранее инвестиций. Все сложное и дорогостоящее хозяйство - сети, компьютеры, базы данных, прикладные системы - все сохраняется и активно используется. Ключевыми особенностями интранет, напрямую связанными с экономическими аспектами деятельности современной организации являются:

- простота и естественность технологии;
- низкий риск и быстрая отдача инвестиций;
- интеграционный и «кatalитический» характер технологии;
- эффективное управление и коммуникации в организации.

Информационные системы новой интранет архитектуры отличаются следующими чертами:

- на сервере информационной системы порождается конечный продукт - информация в форме, предназначеннной для представления пользователю (а не полуфабрикат в виде данных);
- для обмена информацией между клиентом и сервером используется протокол открытого стандарта;
- передается клиентам информация в виде, пригодном для восприятия человеком;
- прикладная система сконцентрирована на сервере (на клиентах, кроме программ-навигаторов, ничего нет).


Рабочее место представляет собой простое универсальное устройство. Фактически, это графический терминал для потребления информации - сетевой компьютер, снабженный специализированным программным обеспечением - программой навигации. Вся потребляемая информация порождается на сервере банка. Доступ к информации осуществляется через одну и ту же программу, не требующую локальных данных.

Приведем лишь часть открытых стандартов, которые сегодня лидируют и фактически стали стандартами де-факто информационных систем:

- управление сетевыми устройствами;
- электронная почта;
- телеконференции;
- информационный сервис;
- справочная служба;
- программирование.

Концепция универсального клиента приводит естественным образом к появлению в информационной системе банка такого средства, как сетевой компьютер. Фактически это новая версия терминала традиционной централизованной информационной системы, компьютер, который будет обеспечивать доступ к информационной системе согласно небольшому набору стандартных протоколов, характерных для сети интернет. На нем выполняется только одна программа - программа-навигатор-браузер.

Интерфейс навигатора, стал новым универсальным средством взаимодействия человека с компьютером, новым интерфейсом рабочего места, вне зависимости от того, с каким программным обеспечением пользователь имеет дело - операционной системой, системами управления базами данных (СУБД) или документами, выполненными в офисных приложениях.



**Рисунок 1. Схема интерпретации загружаемых Intranet-приложений**

\* Разработано отделом автоматизации ОАКБ «Агробанк» Республики Узбекистан

В таких системах проще решается и вопрос информационной безопасности. Во-первых, гораздо большая часть ресурсов централизована. Централизованными ресурсами не только легче управлять, но их и легче защищать. Во-вторых, внешние интерфейсы оказываются унифицированными, стандартными. Способов взаимодействия удаленного рабочего места с центральным сервером оказывается очень немного. Не нужно более заботиться о десятках или даже сотнях приложений на компьютерах-клиентах и для каждого из них решать задачу защиты взаимодействия клиента с сервером. Достаточно обеспечить стандартное решение для одного рабочего места, которое и будет стандартным для всех.

После централизации данных появляется возможность тиражировать их в разные точки промышленного предприятия для того, чтобы решать дополнительные задачи, которые возникают в большой информационной системе с целью повышения производительности и надежности, в первую очередь. Технология тиражирования информации позволяет кардинально решить вопрос о надежности информационной системы за счет дублирования и раздельного хранения важной информации. Вся информация, генерируемая в данной организации, может стать доступной для руководителя (разумеется, в концентрированном и сжатом виде). Для этого нужно только правильно спроектировать и подготовить содержание информационного сервера компьютерной сети промышленного предприятия.

Инtranет имеет свойство разрушать коммуникационные барьеры в банке, связанные со структурой, со способами ее работы, которые приводят к тому, что информация распространяется очень плохо или медленно и с большими искажениями. Разрушение коммуникационных барьеров - это фактор реального бизнеса, несомненно влияющий на эффективность работы банка.

В целом тенденции развития систем инtranет таковы:

- интеллектуальный сетевой поиск в процессе документооборота в банке;
- высокая интерактивность навигаторов за счет применения передовых компьютерных технологий, что существенно облегчает получение информации;
- превращение интерфейса навигатора в универсальный интерфейс информационной системы банка.

Автоматизированной банковской системы (АБС): аппаратные средства, программное обеспечение, математическое обеспечение, информационное обеспечение, функциональное обеспечение, технологическое обеспечение. Все компоненты АБС взаимосвязаны между собой, и невозможно точно определить чёткую границу между ними.

### **Выводы и предложения**

В контексте корпоративного управления важное значение имеет социальная направленность инновационной политики. Но такая взаимосвязь может носить и негативный характер, когда под ряд маркетинговых акций начинает «подгоняться» инновационная политика и внедряются инновации сомнительного характера.

**Таблица 1.**  
**Основные функции, выполняемые на различных уровнях БИС**

<b>Функция</b>	<b>Уровни размещения</b>
1. Хранение и обработка всей банковской информации 2. Маркетинговый анализ, разработка и продвижение услуг 3. Внутренний контроль и аудит 4. Планирование и проектирование подразделений	Центр
1. Управление рисками, затратами, капиталом 2. Маркетинг рынков и клиентов 3. Анализ конкурентов 4. Электронные банковские услуги (банк-клиент, Интернет-банкинг, e-банкинг, sms - банкинг)	Филиалы
Обслуживание клиентов Валютные и инвестиционные операции Кредитование	Отделения

**\*Составлено автором на основании Устава Открытого Акционерно-Коммерческого банка «Агробанк»**

Примерами таких инноваций могут служить различные схемы ускоренного кредитования, привлечение средств населения через посреднические структуры с использованием малоапробированных финансовых инструментов; создание «псевдоинноваций», в основе которых лежит ребрендинг. Учёт рисков в данной ситуации имеет большое значение.

Игнорирование принципов корпоративного управления, в конечном счете, приводит к снижению экономических показателей. Данные эмпирических исследований деятельности ряда банков показывают наличие прямой связи между уровнем корпоративного управления и его рыночной стоимостью. Таким образом, эффективно функционирующая система корпоративного управления дает мощный импульс развитию инновационной деятельности в банке.

### **Использованная литература**

1. Устав ОАКБ «Агробанк» Республики Узбекистан
2. Ясенев В.Н. Автоматизированные информационные системы в экономике: Учебно-методическое пособие. – Н. Новгород, 2007.
3. Черкасова Е.А. Информационные технологии в банковском деле: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Е. А. Черкасова, Е.В.Кийкова. – М.: Издательский центр «Академия», 2011. – 320 с
4. Банковские автоматизированные информационные системы Кашапова Э.З., Шарафутдинов А.Г. В сборнике: Тенденции и перспективы развития статистической науки и информационных технологий сборник научных статей: посвящается Юбилею профессора кафедры статистики и информационных систем в экономике доктора экономических наук Рафикову Нурии Тимергалеевны. МСХ РФ, Баш.ГАУ Уфа, 2013. С. 167-168.
5. Автоматизированная система оценки правоспособности при кредитовании юридических лиц Валирова Г.Р., Шарафутдинов А.Г. Экономика и социум. 2014. № 2-1 (11). С. 875-876

6. Jan Breman At Work in the Informal Economy of India: A Perspective from the Bottom Up Oxford University Press; First edition (15 March 2013) 536 pages.
7. 5. Э. Кейн, Жеральд С. Палмер Цифровизация. Практические рекомендации по переводу бизнеса на цифровые . цифровые технологии. М.: Альпина Паблишер., 2019.

# ИҚТІСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Матрасулов Баходир Эрбутаевич**

Гулистан давлат университети катта ўқитувчиси

**Абдувохидов Акмал Абдулазизович**

Гулистан давлат университети катта ўқитувчиси

**Қодирова Диляфруз Олимовна**

Гулистан давлат университети магистранти

## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

For citation: Matrasulov Baxodir Erbutayevich & Abduvoxidov Akmal Abdulazizovich & Qodirova Dilafruz Olimovna. WAYS TO IMPROVE THE EFFECTIVENESS OF FISCAL POLICY IN THE CONTEXT OF A PANDEMIC. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp: 39-45



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-5>

### АННОТАЦИЯ

Илмий мақолада кўтарилган муаммони атрофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиша илмий абстракция, диалектика тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик каби усуулардан кенг фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар

Кичик бизнес жамиятда ижтимоий-иктисодий барқарорликка эришиш-нинг муҳим омили эканлигини амалиётда исботлаб бермоқда. Бозор иқтисо-диёти шароитида кичик бизнес кўп укладли иқтисодиётни яратиш, жамият ижтимоий барқарорлигининг асоси ҳисобланувчи ўрта мулқдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли” ... “хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясида” деган қоида

мустаҳкамланиб қўйилган [2]. Шу сабабли, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев қайд қилганидек “тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан бўён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади” [3].

Бугун Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармонидаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш”, деб номланган мухим устувор йўналишнинг 3.4-бандида “иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада қучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш” талаблари белгилаб қўйилган [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750 сонли қарори эълон қилинди. Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш икки йилга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777 сон Қарори республикамиз уй хўжаликларини иқтисодий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий асосларини белгилаб берувчи мухим меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Дастур доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун – энг кам иш ҳақининг 150 баробаригача, рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари учун – 1000 баробаригача ва тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойихаларини кредитлаш учун – 1000 баробардан ошироқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майда-ги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармонига мувофиқ аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бир қатор енгиллик ва имтиёзлар берилиши йўлга қўйилди.

Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича олиб борилган ислоҳотлар натижасида рўйхатга олинган оилавий тадбиркорлик шакли бўлган юридик шахслар сони (фермер ва дехқон хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) 2018 йилда 48,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,2 % кўп демакдир (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### 2005-2018 йилларда кичик бизнес ривожланишининг асосий қўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2005	2010	2012	2018	2005 йилга нисбатан ўзгариш %да

1	ЯИМда кичик бизнеснинг улуши	%	38,2	52,5	54,6	59,4	155,5
2	Шу билан бирга кичик корхоналар ва микрофирмалар	%	21,5	32,7	33,9	38,3	178,1
3	Кичик бизнесда банд бўлганлар сони	млн. киши	6,7	8,6	9,3	9,9	147,8
4	Умумий бандликдаги улуши	%	65,5	74,3	76	79,3	121,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг ушбу йиллар бўйича маълумоти асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Мамлакат иқтисодиётида оилавий тадбиркорликни ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни муттасил тарзда ўсиб бормоқда, бу эса биринчи навбатда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши ва улар ассортиментининг кенгайиши, мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш ва реал даромадларининг ўсишида намоён бўлмоқда.

Кичик бизнес соҳасида бандликнинг ортиши кам таъминлаган аҳоли даражасини қисқартиришда муҳим омил саналади. Янгидан ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларининг барқарор ўсиши, қулай бизнес – муҳитнинг барпо этилши, ягона солиқ тўловлари бўйича солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ресурсларга етишиш шартларининг соддалаштирилиши ва шунингдек, йирик компаниялар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперациян алоқаларнинг ривожланиши эвазига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2005 йилдаги 9,8%дан 2018 йилда 34,7 %гача ўсди.

Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг давлат томонидан қўллаб - қувватланиши экспорт маҳсулотлари ва хизматлари ҳажмининг ўсишида кичик бизнес ҳиссасининг ортиб боришига замин яратиб берди. Кичик бизнес субъектларининг экспорт ҳажмидаги улушкининг 6%дан 26,5 %га ўсиши эвазига, мамлакат умумий ташқи савдо айланмаси ҳажмида кичик бизнес корхоналарининг улуши 2005 йилдаги 18,0%дан 2018 йилда 38,9%га ўсган.

Саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмида кичик бизнес субъектлари улушкининг сезиларли даражадаги ўсиши қуйидаги тармоқларда: озиқ - овқат саноатида - 17,9%дан 94,0%га (78,1 пунктга), медицина соҳасида - 6,7%дан 68,4%га (61,7 пунктга), полиграфия саноатида - 35,1%дан 89,0%га (53,9 пунктга), қурилиш материаллари саноатида - 5,3%дан 40,0%га (34,7 пунктга), ёқилғи саноатида - 10,5%дан 26,8%га (16,3 пунктга) ва машинасозлик саноатида - 2,3%дан 16,7%га (14,4 пунктга) кузатилган [8].

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар негизида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 март ПФ-5953-сон Фармони билан “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди. Унга биноан жорий йилда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор вазифалар қамраб олинган:

#### 1. Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги таъсирини қисқартириш мақсадида:

- давлат назорати механизмларини такомиллаштириш орқали рухсат бериш тартиб-таомилларига оид айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўtkазиш;
- давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларнинг ташкил этилишини чеклаш;

- давлат бошқарув органларининг айрим функцияларини, шу жумладан уларни муқобил тартибга солиш турларига (жавобгарликни мажбурий суғурталаш, мувофиқликни декларациялаш ва бошқалар) алмаштириш орқали қисқартириш назарда тутилади;
- маҳаллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, мамлакатнинг инвестицион ва туристик жозибадорлигини ошириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик мухитини яхшилаш ҳамда ўрта бизнес субъектлари тоифасини жорий этиш мақсадида “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши орқали кичик бизнес субъектлари тоифасига оид янгилangan мезонларни белгилаш;
- илғор ғоя, ноу-хаулар яратиш ва “ақлли” технологияларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш.

## **2. Тадбиркорлик субъектлари учун рақобат мухитини яхшилаш мақсадида:**

- монополияга қарши курашиш қўмитасининг Олий Мажлисга ҳисобдорлигини ошириш ҳамда йилда камидан икки марта қўмитанинг ҳисботини эшитиш амалиётини жорий қилиш;
- субсидиялар, преференциялар ва имтиёзли кредитлар бериш амалиётини қайта кўриб чиқиши, норматив-хукукий хужжатларни фақат Монополияга қарши курашиш қўмитаси хулосасини олган ҳолда киритиш амалиётини жорий қилиш;
- давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш бўйича қарорларни қабул қилиш жараёнига хусусий сектор кўрсатаётган хизматларни давлат томонидан амалга оширмасликни назарда тутувчи қоидаларни жорий этиш;
- давлат органлари томонидан таъсис этиладиган давлат корхоналари, давлат иштирокидаги йирик хўжалик жамиятлари ва табиий монополия субъектлари бўлган аффилланган корхоналар сонини қисқартириш;
- табиий монополия тармоқлари билан турдош бозорларда рақобат шарт-шароитларини яратиш;
- давлат харидлари, тендерларни амалга оширишда ва ресурсларни тақсимлашда шаффофликни ошириш орқали бозор механизмларини ривожлантириш.

## **3. Тадбиркорлар учун ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш тизимини таомиллаштириш мақсадида:**

- геофазовий маълумотларнинг фойдаланиш соҳасидаги чекловларни олиб ташлаш;
- аҳоли пунктларини шаҳарсозлик хужжатлари билан таъминлаш чораларини кўриш;
- «E-iжо auksion», «Yer-elektron» электрон тизимлари базасида Ахборот дастури ва маҳсус портал яратиш;
- Ахборот дастурида ер участкасининг ўзига хос рақами ва жойлашган жойи, тоифаси, майдони, унга туташ ер участкаларининг белгилangan мақсади ва турлари, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларигача бўлган масофа тўғрисида маълумот, мазкур ерда қурилишга рухсат берилган ёки тақиқланган объектлар турлари рўйхатини тузиш назарда тутилади.

## **4.Худудларда аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида:**

- худудларда аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича амалий дастурни тасдиқлаш;
- тегишли лойиҳалар учун микромолия хизматлари ва молиявий ресурслар ажратиш;
- давлат харидлари тизимида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;
- халқаро молия ташкилотлари ва донор мамлакатларнинг грант маблағлари, мақсадли дастурлари доирасида молиявий ресурслар ажратилишини кенгайтириш назарда тутилади.

## **5.Алоҳида фаолият турлари билан шуғулланишда лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш мақсадида:**

- айрим соҳаларда алоҳида фаолият турлари билан шуғулланишда лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари ўрганилиб, асосий ёндашув ва таклифлар ишлаб чиқилади.
- хабарнома бериш тартиби ва бошқа муқобил институтларни жорий этиш;

амалга ошириладиган фаолият турларининг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, шу жумладан алоҳида лицензияларни декларация қилиш ва жавобгарликни мажбурий суғурталаш тури билан ўзгаририш назарда тутилади

**6. Тадбиркорлик фаолияти, инвестиция ва рақобат муҳитига таъсир кўрсатувчи норматив-хукуқий ҳужжатлар ва техник тартибга солиш ҳужжатларидан иборат маъмурий ва тартибга солиш юкини кескин камайтириш ва асосиз тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида:**

- тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитига таъсир кўрсатувчи 6 мингдан ортиқ қонун ҳужжатларини ва 40 мингдан ортиқ техник тартибга солиш ҳужжатларини ялпи хатловдан ўтказиш ва улар сонини камида 25 фоизгача қисқартириш;
- соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга асосий эътиборни қартиш;
- инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш назарда тутилган янги норматив-хукуқий ҳужжатни киритиш билан бир вақтда, инвесторлар сарф-харажатларини оширувчи амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатларни бекор қилиш;
- инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг тўлиқ тизимини жорий этиш назарда тутилади.

**7. Банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташабbusларини амалга оширишни қўллаб-куvvatлаш ҳамда замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш мақсадида**

А) банк тизимини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш-бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда бизнес жараёнларини оптималлаштириш; аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш; жорий йилда 200 та банк хизматлари офисларини ташкил этиш; 2,4 млрд АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва самарали ўзлаштириш; қўшимча 15 трлн сўм миқдорида юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитларини жалб қилиш; банк тизимида ахборот-коммуникация технологияларини диагностикадан ўтказиш ва уларни замон талабларига келтириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш; «кредит тарихи» ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш; тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш назарда тутилади.

Б) банк тизимида «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини жорий этиш- бунда банк тизимида инсон омилини чеклаган ҳолда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва янги банк маҳсулотларини жорий этиш, Ташиби иқтисодий фаолият миллӣй банкида «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини йўлга қўйиш учун йўналишлар кесимида бизнес лойиҳалар базасини шакллантириш назарда тутилади.

**8. Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ишлар сифатини ошириш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, транспорт инфратузилма обьектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиши мақсадида транспорт хизматлари стандартлари ва сифатини яхшилаш ҳамда уларни жаҳон талаблари даражасига қўтариш; транспорт хизматлари хавфсизлиги, омма-боплиги, ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлаш; инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболи йўналишларни шакллантириш ҳисобидан мамлакат транзит салоҳиятини 7 млн тоннадан 16 млн тоннага етказиш; транспорт логистика бозори рақобатбардошлигини ошириш; транспорт тизимини рақамлаштириш, жумладан барча транспорт турларида «ракамли транспорт» платформасини жорий этиш; аҳолининг транспорт хизматларига бўлган талабини тўлиқ қондириш; ягона миллӣй транспорт маконини шакллантириш ҳамда уни минтақавий ва жаҳон транспорт тизимларига интеграция қилиш; Ўзбекистон Республикасини логистика самарадорлик кўрсаткичи бўйича 2030 йилгача дунёning 50 талик давлатлари**

рўйхатига киритиш мақсадида логистикага тегишли 6 та йўналиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш назарда тутилади.

**9. Тўғридан-тўғри хорижий инвестияларни жалб қилишда инвестиция мухитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва хуқукий ҳимоя қилиш мақсадида:**

А) иқтисодиёт тармоқларига замонавий технологиялар жорий этиш, қўшилган қиймати юқори бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, жойларда янги иш ўринларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестиялар ва кредитлар жалб қилишни кенгайтириш борасида 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари; барча манбалар ҳисобидан 23 млрд АҚШ доллари микдоридаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 206 та янги йирик қувватларни ишга тушириш назарда тутилади.

Б).Халқаро молиявий институтлар ва хорижий хукумат молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобидан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилувчи бошқа ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш борасида бунда 2020 - 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг (соғлиқни саклаш, таълим, йўл-транспорт, сув хўжалиги ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларидағи лойиҳалардан ташқари) тармоқ жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиши, экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари назарда тутилади.

**10. Янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулот рақобатбардош-лигини ошириш, халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини кенгайтириш орқали ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида экспортни олдиндан молиялаштиришга қаратилган Экспорт-кредит агентлигини ташкил қилиш; экспортёрлар учун кредит олишда кафиллик бериш, кредит харажатлари бир қисмини қоплашни Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси зиммасига юклаш; экспорт қилишда замонавий сұғурта хизматларини жорий этиш ва амалда қўллаш; маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаб бериш механизмини жорий қилиш; жорий йилда 2 млрд АҚШ долларлик, кейинги 5- 7 йилда эса бундан 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш; ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиқкан ҳолда туманларни босқичма-босқич ихтисослаштириш; халқаро бозорлардаги талабни таҳлил қилиш асосида экспортбоп юқори даромадли маҳсулотларни танлаб олиш; туманларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, маҳсулотларни етиштириш учун ер ажратиш; сифатли уруғлик ва бошқа турдаги моддий-техник ресурслар билан тизимли таъминлаш ҳамда хизматлар соҳасини ривожлантириш чораларини кўриш; чет эл карантин хизматлари билан «яшил йўллар» тизимини ўрнатиб, Европа Иттифоқи, Хитой, Корея, Япония каби давлатларга мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш назарда тутилади.**

**11. Божхона маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш мақсадида:** халқаро стандартлар ва тамойиллар билан божхона қонунчи-лигини унификациялаш; божхона постларида божхона, ветеринария, фитосанитария, санитария-карантин органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш; чегарада логистика марказлари ва мультимодал комплексларни ташкил этиш орқали товарларни тўғридан-тўғри республиканинг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида олиб чиқиш имкониятини яратиш; божхона аудит институтини жорий этиш; «ягона дарча» божхона ахборот тизимидан самарави фойдаланиш, фаолиятини янада кенгайтириш ва тақдим этилувчи руҳсатномалар рўйхатини кенгайтириш; ташки иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ

товарларни таснифлаш бўйича дастлабки қарор қабул қилиш учун электрон ариза бериш тартибини жорий этиш; «онлайн» режимда товарлар учун божхона тўловларини ҳисоблаш, рухсатнома ҳужжатларига сарф этиладиган харажатларни белгилаш имконини берувчи рукни ташкил этиш; ташқи иқтисодий фаолиятга доир барча давлат назорат органларининг интерактив хизматларини жойлаштириш назарда тутилади.

Давлат бюджетининг тақчиллиги шароитида ўзини-ўзи банд қилишнинг ривожланиши ижтимоий кескинликни қисқартириш ва ишсизлик даражасининг қисқартириш имконини беради. Бундан ташқари бу давлат харажатларини камайтиргани ҳолда янги иш ўринларини барпо этиш учун шароит яратиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини иш билан таъминлаш имконини беради. Халқаро меҳнат ташкилоти эксперт-ларининг фикрича, пандемия шароитида мамлакат фуқароларининг ўзини-ўзи банд қилишига доир тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш, пандемия шароитида меҳнат бозоридаги тангликни юмшатиш, камбағал-ликни қисқартириш, фуқароларни танг вазиятга тушиб қолмасликларини таъминлашнинг ўзига хос “дориси” ҳисобланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи банд қилишини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз раҳбари томонидан пандемия шароитида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг барқарор ишларини таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эриш борасида саккизта асосий йўналиш белгилаб берилди [6]. Мазкур йўналиш-лардан бири сифатида кичик бизнесни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш этиб белгилаб берилишининг ўзиёқ, юқоридаги фикрларимизнинг ҳаётй ҳақиқат эканлигини кўрсатиб турибди. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бу йил 810 мингта доимий иш ўрнини қайта тиклаш, 310 минг доимий ва 633 мингта мавсумий иш ўрни яратиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилувчи фаолият турлари сони 24тадан 67тага кўпайтирилди. Қарорга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахсларга бир қатор қулайликлар ва имтиёзлар берилиши ҳамда уларнинг фаолиятини масофадан туриб рўйхатга олиш учун ДСҚ томонидан мобил илова ишлаб чиқилиши белгилаб қўйилди [7]

### **Хулоса ва таклифлар**

Мамлакатимизда қабул қилинган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш концепцияси”га мувофиқ, 2030 йилгача бўлган муддатда Ўзбекистонни инновацион жиҳатдан ривожланган кучли 50 талик давлатлар қаторига олиб чиқиши вазифаси кўзда тутилган. Меҳнат унумдорлиги ва аҳолининг реал даромадларининг инклузив ўсишини таъминламасдан, жамиятда ўрта синф қатламини кенгайтирмасдан, норасмий секторда бандларни расмий секторларга ўтишлари учун тегишли шарт-шароитларни яратмасдан туриб бундай катта вазифаларнинг ижросини таъминлашимиз фойтда қийин кечади. Бизнинг фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

- тадбиркорлик билан шуғулланувчи ва шуғулланиш истаги бор шахсларга бизнесни юритишида аскотадиган (молия, маркетинг, ахборот технологиялари ва бошқа) муҳим масалалар бўйича бепул ўкув семинарларини ташкил этиш;
- тадбиркорлик фаолиятини юритишида тўсиқ булаётган инфратузилмавий (ичимлик суви, газ, электр энергияси таъминоти, канализация) муаммоларини бартараф этиш учун маҳаллий хокимият вакилларининг ишини жонлантириш;
- ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, йирик ўрта ва кичик бизнес субъектлари бўйича мезонларни ишлаб чиқиш;
- аҳоли депозитларининг қадрсизланиш хатари тижорат банклари зиммасида эканлигини Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида белгилаб қўйиш;
- аҳолини сифатли ва арzon нархларда истеъмол товарлари билан таъминлаш, оила

хўжаликларида етиштирилган ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш (заготовка қилиш), мулкдорлар синфини кенгайтириш мақсадида пай асосида матлубот кооперативларини қайта тиклаш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 24.01.2020й.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.:Ўзбекистон.2012 й. 9,11-бетлар.
3. Ш.Мирзиёев Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Т.: Ўзбекистон 2018 й. 32-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони. Ҳалқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 8 феврал, №28.
5. Молия ва банк иши электрон журнали. (пандемия ва иқтисодиёт:махсус сон).// 2020 йил, 2-сон.
6. <https://president.uz/uz/lists/view/3639>
- 7.<http://aza.uz/oz/documents/tadbirkorlik-faoliyati-va-zini-zi-band-ilishni-davlat-tomoni-08-06-2020>
8. Ўзбекистон республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати. – Т.: 2018. – Б.143.

# ИҚТІСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Шоахмедова Нозима Хайруллаевна**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

**Хомидов Хамдам Хасан ўғли**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети асистенти

**Норбоева Нафиса Эркиновна**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети асистенти

**Хашимова Дилёра Пахритдинова**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчи

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДРОНЛАРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚўЛЛАШ ИСТИҚБОЛИ

**For citation:** Shoaxmadova Nozima Xayrullayevna&Xomidov Xamdam Xasan o'g'li &Norboyeva Nafisa Erkinovna&Xashimova Dilyora Paxritdinovna. PROSPECTS FOR AGRICULTURAL DRONES IN UZBEKISTAN. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp: 62-66



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-8>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада дронларни қишлоқ хўжалигида қўллашда инновацион ёндашувларни назарий ва амалий асослари, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда ушбу йўналишда олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар ёритилган. Шунингдек, халқаро тажриба ва инновацион ғояларга асосланиб дронларни қишлоқ хўжалигида қўллашда инновацион ёндашувларини ошириш юзасидан хулоса ва таклифлар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Дронлар, маълум ҳудудни сканерлаш, Геоинновацион марказ.

## PROSPECTS FOR AGRICULTURAL DRONES IN UZBEKISTAN

### ABSTRACT

The article describes the theoretical and practical foundations of innovative approaches to the use of drones in agriculture, the factors affecting this, and practical measures taken in this direction. There are also conclusions and recommendations for improving innovative approaches to the use of drones in agriculture, based on international experience and innovative ideas.

**Key words:** drones, zonal scanning, geoinnovation center.

## ПЕРСПЕКТИВЫ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ДРОНОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье описаны теоретические и практические основы инновационных подходов к использованию беспилотников в сельском хозяйстве, факторы, влияющие на это, и практические меры, принятые в этом направлении. Есть также выводы и рекомендации по совершенствованию инновационных подходов к использованию беспилотников в сельском хозяйстве, основанные на международном опыте и инновационных идеях.

**Ключевые слова:** беспилотники, зональное сканирование, геоинновационный центр.

## Кириш

Дәхқончиликда ва умуман қишлоқ хұжалигіда дронлардан фойдаланиш ушбу технологияни құллашнинг эң истиқболли йұналишларидан биридір. Дронлар қишлоқ хұжалигіда ишлаб чыкаруш босқичларини режалаштириш ва бошқариш, шунингдек, әкінлар ва бошқа үсімлікларни кимёвий ишлов беріш учун самарали ишлатилиши мүмкін. Бундай ҳолда, дронни жорий этишнинг асосий мезони иқтисодий мақсадға мувофиқдір.

Дронлар зарур бўлганда керакли ва самарали маълумотларни олишга имкон беради, бундан ташқари, узоқ вақт давомида тўпланган маълумотлар динамикадаги жараёнларни таҳлил қилишда аҳамиятлидир.

Қишлоқ хұжалигіда юксак самарага майдон, рельеф, еости грунти тўғрисидаги долзарб ва аниқ маълумотларга эга бўлибгина эришиш мүмкін. Бу маълумотларга эга бўлишнинг эң осон ва самарали йўли бу дронлардан фойдаланиш ҳисобланади. Бир неча дақиқали парвоз орқали ўрганилаётган майдон тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш, рельефнинг 3Д кўринишини яратиш ва яна бир қанча вазифаларни амалга ошириш мүмкін. Бу қишлоқ хұжалиги жараёнларини тўлиқ назоратлаш ва ўз вақтида уларни тўғрилаш бўйича қарор қабул қилиш имконини беради.

Тўпланган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун аниқ фермерлик манфаати учун дастурий таъминот яратадиган ИТ-компанияларнинг хизматларига талаб ортиб бормоқда.

Қишлоқ хұжалигіда дронларни жорий этишга тўсқинлик қилувчи тартибга солувчи тўсиқлар камаймоқда.

Хозирги тенденция нафақат самолёт сотиб олишни, балки фотография пайтида олинган маълумотларни таҳлилий қайта ишлаш учун зарур бўлган дастурий таъминотни таклиф қилишдир.

Дронларнинг масофадан бошқарилишидан робот тизимларига ўтиш яна бир янги тенденция бўлиб, унда дронлар батареяларни автоматик равища заряд қиласи, режалаштирилган маршрутларда учиб кетади, атрофида парвоз қиласи ва автоматик режимда суратга олади (видеокузатув), тўхтаб туриш жойига қайтади ва автоматлаштирилган ишлов беріш тизимиға маълумот ташланади.

## Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Мавзунинг кенг қамровли эканлигини инобатга олган ҳолда, мавзу кўплаб қишлоқ хұжалиги соҳаси олимлари билан биргаликда, агроиқтисодиёт ҳамда ахборот технологиялари билан шуғулланувчи кўплаб олимларнинг тадқиқотларида ушбу мавзунинг ёритилишини кўришимиз мүмкін.

Жумладан, қишлоқ хұжалигіда инновацион усулларнинг қўлланилиши Э. Мэнсфилд, В.Н. Папело, И. Перлаки, П.М. Першукевич, А.Л. Полтарахин, М. Порттер, Ю.М. Рогатнев, Н. Розенберг, Е.В. Рудой, И.С. Санду, Л.А. Семина, А.Г. А.Б. Сидерис, Синюков, А. Смит, Л. Соэте, А.И. Сучков, Л.В. Тю, Ф. Хайек, Д.В. Ходос, Г.Е. Чепурин, Н.В. Шаланов, С.В. Шарыбар, С.А. Шелковников, О.В. Шумакова, Й. Шумпетер, И.В. Щетинина, Т.Шульц тадқиқотларида ўз аксини топган.

Т. Шульц қишлоқ хұжалигига оид бир нечта асарлар нашр этган, бу ерда қишлоқ ахолисининг даражаси дәхқонларнинг билимлари ва маълумотларига боғлик бўлган арzon маҳсулотлар, қишлоқ хұжалиги технологиясини яратишда ролини кўрсатади. Ўзининг "Transforming Traditional Agriculture" асарида (1964) у анъанавий қишлоқ хұжалигининг ўзгаришини муҳокама қиласи ва биринчи марта янги иқтисодий манбалар сифатида янги моддий ресурслар ва фермерларга сармоя киритишни таклиф қиласи.

## Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараённанда анализ ва синтез усулидан самарали фойдаланилди. Жумладан, анъанавий қишлоқ хұжалигининг информацион-коммуникацион ҳамда инновацион технологиялар қўлланилган қишлоқ хұжалигидан фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан қишлоқ хұжалигига дронлардан фойдаланишнинг устувор жиҳатлари келтирилди.

Бундан ташқари тадқиқот давомида назарий-илмий тадқиқот усулларидан ҳам кенг фойдаланиб, муаллиф томонидан ушбу мавзуни тадқиқ этган олимларнинг илмий ишлари ўрганилди.

### Таҳлил ва натижалар

Умуман олганда қишлоқ хўжалигида майдонларни қузатиш учун икки хилдаги тузилиши ва учиш характеристикалари турли бўлган дронлардан фойдаланилади:

- самолёт тоифасидаги ёки учувчи канот – юқори аэродинамик кўрсаткичли катта худудларни қузатиш учун энг қулай вариант. Бу тоифадаги дронлар кенг обьектларни мониторинг қилиш ёки узоқ масофадан туриб тасвирга олиш учун мос келади. Бироқ, ўзига хос тузилмаси сабабли доим ҳаракатда бўлиши лозим ва шу сабабли обьект устида тўхтаб туриш режимида ишлай олмайди, ҳамда чекланган худудларда тасвирга олиш имкониятига эга эмас.

- Коптер ўзи учар қурилмалар ёки дронлар – турли сонли винтларга эга бўлиши мумкин, бу унча катта бўлмаган майдонни ўрганиш, уч ўлчамли моделини яратиш ва чанглатиш учун бир жойда аниқ тасвирни олиш имконини беради. Квадрокоптерлар содда тузилмаси, учиш стабиллиги ва ишончлилиги билан ажralиб туради. Камчилик сифатида тезлигини пастлигини, учиш вақтини чекланганлигини келтириш мумкин.



1- расм. Дронлар ёрдамида маълум худудни сканерлаш

Замонавий ўзи учар тизимлар қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

- экинларни сифатини баҳолаш ва экинларни заарланиши ёки нобуд бўлиши фактларини аниқлаши;
- нобуд бўлган экинларнинг аниқ майдонини аниқлаши;
- шартномаларни амалаг ошириш учун керак бўладиган ерларни аудити ва инвентаризацияси;
- муаммолаи майдонларни ва экинларни дефектларини аниқлаши;
- ўсимликларни ҳимоясига йўналтирилган тадбирларни самарадорлигини таҳлиллаши;
- экин режалари ва тузилмаларини мослигини мониторинги;
- агротехник ишларда йўл қўйилган четлашиш ва бузилишларни аниқлаши;
- рельеф таҳлили ва ПВИ, НДВИ вегетацион индекслари хариталарини яратиш;
- майдонларда чорва молларини ноқонуний кириши билан боғлиқ фактлар каби хавфсизлик хизмати ахборотларини йиғиш;
- мелиорация тизимлари қурилишини қузатиш;
- дон маҳсулотларини сақланишини мониторинги ва қўплаб бошқа турдаги вазифалар.

Дронлар пестицидлар ва гербицидлардан тўғри фойдаланиш учун этарли бўлган экиш маълумотларини тўплашга қодир. Бу фермерларга кимёвий моддаларни истеъмол қилишни тежашга имкон беради, шунингдек атроф-мухитни тежашга ёрдам беради.

Учувчисиз транспорт воситалари сизга барча обьектларнинг аниқ координаталари билан картографик базани яратишга имкон беради, бу эса кейинчалик пикселга бир неча смгача бўлган обьектларни визуал таҳлил қилиш имконини беради. Бунинг асосида вектор қатламларини қўллаш мумкин бўлади: майдонлар, инфратузилма, йўллар. Ушбу асос сизга аниқ майдон, масофа, ресурсларга бўлган талабларни ва бошқаларни ҳисоблаш имконини

беради. Экин майдонларининг, пичанзорларнинг, яйловларнинг, конларнинг, буғларнинг, шудгорларнинг, экинларнинг, ер ости ва экинларнинг объектив майдонини аниқлаш қулайдир.

Авиация фотосуратлари натижалари участкаларни кадастр регистрига қўйишга имкон беради.

Учувчисиз самолётдан олинган фотография сунъий йўлдош тасвиридан кўра батафсилоқдир. Тасвир ўлчамларини ердан 100 дан 600 метргача баландликда олиш имконини беради. Бундан ташқари, дронлар ҳатто булатли шароитда ҳам фойдаланиш имкон беради.

Учувчисиз самолётлар нафакат маълумот тўплашни таъминлабгина қолмай, балки тўғридан-тўғри уруғларни экиш учун далаларни ва бошқа дараҳтларни, шу жумладан пинларни сепишида ҳам фойдаланилади.

Ҳозирда Ўзбекистонда ўзи учар қурилмалар авиациясини ривожалантириш учун “Геоинновацион марказ” корхонасида бир неча йўналиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Корхона ўзи учар қурилмалар авиацияси соҳасида стратегик характердаги бир қанча вазифаларни олдига қўйган. Хусусан, ўзи учар қурилмалар учун дастурий таъминотлар ва тузилмавий элементларни ишлаб чиқарилишини босқичма-босқич локализацияси, ишлаб чиқаришда ва фойдаланишда янги технологияларни ва хориж амалиётини жорий қилиш каби вазифлар амалга оширилади. Бошқа муҳим йўналиш ўзи учар қурилмалардан фойдаланишидан олинган маълумотларни йиғиш, таҳлиллаш, қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда ўзи учар авиаация соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, хариташунослик ва давлат кадастри бўйича давлат комитетида 100 га яқин дронлар мавжуд. Улар орасида энг замонавийлари сониясига 20 метргача тезликка чиқа оладиганлари ва 3 км юқорига кўтарила оладиганлари мавжуд. Бу қурилмалар тасвирга аниқ олиш имконини берадиган ва экинларни батафси мониторингини ҳамда алоҳида ҳудудларни аэрофототасвирини ўтказиш учун жуда керакли инструмент ҳисобланади.

### Хуроса ва тақлифлар

Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган аҳолиси (2035 йилга келиб - 42,5 млн. киши) кўпроқ озиқ-овқат талаб қиласди, Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини учинчи мамлакатларга экспорт қилинишини иқтисодий фаровонлик омили деб билади. Ўз навбатида, жаҳон бозорлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг сифатига тобора кўпроқ янги талабларни тақозо этмоқда. Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда қишлоқ хўжалигига учувчисиз самолётлардан фойдаланиш ривожланиш учун истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этишнинг ушбу босқичида дронлар аллақачон экин майдонларининг электрон хариталарини яратиш ва янгилаш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳисобини юритиш, экинларнинг ҳолатини тезкор кузатиб бориш, экинлар ва экинларни ўғирлиқдан ҳимоя қилиш ва ҳк.

Кейинги ўн йиллиқда биз қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш босқичларини режалаштириш ва назорат қилишда дронлардан кенг фойдаланишини кўрамиз, сунъий интеллект ва автономия фермерлар учун далалардан энг муҳим маълумотларни олишга имкон беради. Фермер экиннинг ҳолати, ҳимоя воситалари билан ишлов берилиши керак бўлган далалар, кимёвий моддаларни тежаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳақида онлайн маълумот олади.

Сунъий интеллект ва ихтисослашган алгоритмлар сизга қишлоқ хўжалигидаги катта майдонларда майдон, масофа, ресурсларга бўлган эҳтиёж, ер ости сувлари ва қайта экишни ҳисоблаш имконини беради. Сув, ўғит ёки пестицидлар қисқа вақт ичida дронлар ёрдамида экин майдонига етказиб берилади. Агар одамга маълум бир ер майдонларини қайта ишлаш учун бир кун керак бўлса, келажакда дронлар 3-4 соат ичida бу вазифани бажариши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, ҳосилни кузатиш пайтида фермерлар энди далаларни айланиб ўтиш учун ёқилғи сарфлашлари керак эмас. Махсус дастурий таъминот ва юкори аниқликдаги

кесиши тасвиirlари ёрдамида сунъий интеллект ёрдамида вазиятни қисқа вақт ичида таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига автоном бошқариладиган тизимларнинг жорий этилиши ишлаб чиқариш ва ерларни парвариш қилиш самарадорлигини янги даражага кўтаришга имкон беради, унга қўшилган янги технологиялар қишлоқ хўжалигига банд бўлган инсон капитали сифатига талабларни тубдан ўзгартиради. Яқин келажакда фермерларга нафақат агрономия ва чорвачилик, балки ИТ ва биотехнология соҳасидаги билимлар ҳам керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда ўзи учар қурилмаларнинг қўлланилиш соҳаси оддий болалар ўйинчоғидан тортиб, бир неча килограмм юкни кўтара оладиган автоматлаштирилган юк ташувчи дронларгача йилдан-йилга доимий ўсмоқда. Ўзбекистонда эса бу соҳа ривожланиши учун турли хориж компанияларини билан ҳамкорликлар ўрнатилиб бормоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. «Дрон для сельского хозяйства» или как защитить растения без особых усилий [Электрон ресурс]. УРЛ: [хттп://м.геектимес.ру/компаний/дронк/блог/266690/](http://m.geektimes.ru/компаний/дронк/блог/266690/)
2. В Узбекистане беспилотники активно используются в сельском хозяйстве и картографии [Электрон ресурс]. УРЛ: [хттп://уз.а.уз/ру/сociет/в-узбекистане-беспилотники-активно-используюся-в-селском-кх-28-05-2019](http://uz.a.uз/ру/сociет/в-узбекистане-беспилотники-активно-используюся-в-селском-кх-28-05-2019)
3. Беспилотники в сельском хозяйстве [Электрон ресурс]. УРЛ: [хттп://www.geomir.ru/публикации/беспилотники-в-селском-кхозяйстве/](http://www.geomir.ru/публикации/беспилотники-в-селском-кхозяйстве/)
4. Schultz T. W. Agriculture In An Unstable Economy, 1st. / T. Schultz. – McGraw-Hill Book Company, Inc.; New York And London, 1945. – 320 р.
5. Schultz T.W. Transforming Traditional Agriculture / T. Schultz. —New Haven: Yale University Press, 1964.
6. Schwartz S. H. Toward a universal psychological structure of human values / S.H. Schwartz, W. Bilsky // Journal of personality and social psychology, 1987. – Т. 53. – №. 3. – Р. 550.

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Рахмонов Нуриддин Мухаммаджонович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

“Пенсия ва суғурта иши” кафедраси ўқитувчиси

raxmonov.n.86@mail.ru

**Нигматов Маруф Мамуржонович**

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси тингловчиси

menejer-88@mail.ru

## ПЕНСИЯ ИНСТИТУЛариНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРНИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**For citation:** Raxmonov Nuriddin Muxammadjonovich&Nigmatov Maruf Mamurjonovich. EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES FOR THE FORMATION AND REFORM OF PENSION INSTITUTIONS AND THE PROSPECTS FOR THEIR APPLICATION IN OUR COUNTRY. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp: 67-74



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-9>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада харижий давлатларда пенсия таъминоти институтларини ташкил этилиши ва ривожланиш босқичлари, сўнги йилларда амлга оширилган ислоҳотлари ва уларни мамлакатимизда кўллаш имкониятлари атрофлича ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** пенсия тизими, институционализация, тақсимланувчи пенсия, хусусий пенсия фонди, ижтимоий институт, пенсия таъминоти.

### EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES FOR THE FORMATION AND REFORM OF PENSION INSTITUTIONS AND THE PROSPECTS FOR THEIR APPLICATION IN OUR COUNTRY

### ABSTRACT

The article describes in detail the stages of the creation and development of pension institutions in foreign countries, the reforms carried out in recent years, and the possibilities of their application in our country.

**Keywords:** pension system, institutionalization, distributed pension, private pension fund, social institution, pension provision.

### ОПЫТ РАЗВИТЫХ СТРАН ПО ФОРМИРОВАНИЮ И РЕФОРМЕ ПЕНСИОННЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ

## АННОТАЦИЯ

В статье подробно описываются этапы создания и развития пенсионных учреждений в зарубежных странах, реформы, осуществленные в последние годы, и возможности их применения в нашей стране.

**Ключевые слова:** пенсионная система, институционализация, распределенная пенсия, негосударственный пенсионный фонд, социальный институт, пенсионное обеспечение.

### Кириш

Жаһонда Бирлашган Миллалар Ташкилоти (БМТ), Жаһон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Пенсия ва ижтимоий фондлар халқаро ассоциацияси үтказған тадқиқотларнинг кўрсатишича, дунёда аҳолининг кексайиб бораётгандиги, демографик вазиятнинг кескинлашиши, ишсизлик муаммосининг кескин авж олиши, яширин иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг қўпайиши билан боғлиқ муаммоларнинг пенсия таъминоти тизимиға салбий таъсир кўрсатиши натижасида пенсия таъминоти тизимида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. “Жаһон банкининг берган маълумотларига кўра 1990 йилда дунё аҳолисининг деярли ярим миллиардан ортигини 60 ёшга ошганлар ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1,4 миллиардга етади. Бу эса пенсияга чиқувчиларнинг ошиб боришидан далолат беради.”[6] Шундай экан бу пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш борасида халқаро миқёсда доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бораётгналиги, шунингдек инсонларнинг кексайганда, меҳнат қобилиятини вақтинча ёки тўлиқ йўқотганда ижтимоий хавф-хатарлардан химоялаш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича жаҳонда қўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тадқиқотларда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга оид масалалари кенг ёритилган, бироқ пенсия таъминотига оид қўплаб масалалари етарлича очиб берилмаган. Бундай ҳолат ўз навбатида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш борасида мунтаззам равишида илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

### Мавзунинг ўрганилган даражаси

Ривожланган мамлакатлар пенсия таъминоти институтларининг ривожланиш босқичлари ва уларда амалга оширилган ислоҳотларни бир қатор хорижий тадқиқотчилар хусусан А.В. Пудовкин[3], Н.М. Каспарьянц[2], А.Д. Стрепетова[4] ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Шу жумладан бир қатор малакатимиз тадқиқотчилари хам айнан шу мавзуларни тадқиқ этган. Бунга Ш.З.Давронов[5] “Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий ишлари мисол бўлиши мумкин.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимиз пенсия тизимини ривожланган мамлакатлар пенсия тизимларида олиб борилган ислоҳотлар асосида такомиллаштириш ва ривожлантириш. Шу аснода тадқиқотимизда статистик ва эмпирик таҳлил усулидан фойдаланилган холда, белгиланган тадқиқот вазифаларини ҳал этишда статистик, солиштирма таҳлил усули, свод таҳлил, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллар қўлланилиши режалаштирилган.

### Таҳлил ва натижалар

Давлат томонидан фуқароларнинг айрим тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш шакли сифатида пенсиялар тўлаш қадимги даврларга бориб тақалади. Масалан, қадимги Юнонистанда давлатга хизмат қилган кекса фуқароларга нафақалар тўланган. Рим империясида, ҳарбий хизматчиларнинг умрбод моддий таъминотини таъминлаш шаклида ҳарбий пенсиялар жорий қилинган.

Бироқ, кенг қамровли пенсия таъминоти анча кейинроқ пайдо бўлди - XIX аср охирида. Айнан шу даврдан бошлаб фуқароларнинг айрим тоифаларини танлаб пенсия билан

таъминлашдан, кенг қамровли пенсия таъминотига ўтишнинг дастлабки мисоллари пайдо бўлди.

Қўйидаги 1-жадвалда ривожланган мамлакатларда турли ижтимоий дастурларни (ногиронлик ва ишсизлик нафақаси, баҳтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш, оилавий нафақалар ва тиббий сугурта) жорий этиш санаси кўрсатилган. Тақдим этилган маълумотлар илғор мамлакатларда пенсия таъминоти бўйича кенг қамровли дастурлар айнан XIX асрнинг охирида жорий этила бошланганлигини тасдиқлаш имконини беради.

### 1-жадвал

#### Ривожланган мамлакатларда умуммиллий ижтимоий дастурларни яратилиш тарихи

	Баҳтсиз ҳодисал ардан сугурта қилиш	Ногиро нлик нафақа си	Қарили к пенсия таъмин оти	Ишсизл ик нафақас и	Оилави й нафақа лар	Тиббий сугурта
Германия	1884	1883	1889	1927	1954	1880
Буюк Британия	1906	1911	1908	1911	1945	1948
Франция	1946	1930	1910	1967	1932	1945
Италия	1898	1943	1919	1919	1936	1945
Швеция	1901	1910	1913	1934	1947	1962
Дания			1891			
АҚШ	1930		1935	1935		
Канада	1930	1971	1927	1940	1944	1972

Таъкидлаш жоизки, биринчи пенсия тизимлари пайдо бўлган пайтдан бошлаб уларнинг доимий ривожланишини кузатиш мумкин. Ушбу жараён бутун XX аср давомида ва ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бу қайта-қайта ўзгариб турадиган ижтимоий-иқтисодий ва демографик шароитда тобора кўпроқ янги талабларга жавоб берадиган пенсия тизимларини доимий равишда ислоҳ қилишда намоён бўлади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики давлат пенсия тизими Германияда биринчи марта 1889 йилда жорий этилган. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, пенсиялар нафақат давлат хизматчиларига, балки хусусий секторда ишлайдиганларга хам тўланади. Германия пенсия тизими мажбурий ижтимоий сугуртага асосланган бўлиб, у иш берувчилар ва ишчилар томонидан шаклланган. Фуқаронинг пенсия миқдори тўланган бадаллар миқдорига бевосита мутаносиб равишда белгиланган. Шундай қилиб, немис пенсия тизимини яратишнинг асосий мақсади пенсия билан таъминлангандан сўнг ходимнинг мулкий ва ижтимоий ҳолатини сақлаб қолиш эди. Замонавий немис пенсия тизими давлат тақсимоти ва хусусий пенсия таъминоти каби қисмлардан иборат.

Данияда 1891 йилда жорий этилган пенсия тизими бошқа принципларга асосланган эди. У ерда пенсияларни молиялаштириш солиқ тушумлари ҳисобига амалга оширилар ижтимоий сугурта тизими мавжуд эмас эди. Бу тақсимланувчи тизимни бирхиллаштириш ёндашувига мисол бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун зарур бўлган минимал яшаш шароитларини таъминлашдир. Янги Зеландия пенсия тизими худди шу принцип асосида қурилган.

Буюк Британия ва Австралияда пенсия тизимлари 1908 йилда, Франсияда 1910 йилда, Швецияда 1913 йилда ва Италияда 1919 йилда иш бошлади. Ҳозирги кунда Буюк Британиядаги пенсия тизими кўп погонали тизим бўлиб ўзида тақсимланувчи ва жамғарилувчи элементларини мужассам қилган.

Бирмунча даврдан сўнг Шимолий Америкада хам пенсия тизимлари ташкил этила бошлади. Канадада миллый пенсия тизими 1927 йилда, АҚШда эса 1935 йилда пайдо бўлган. Шуни таъкидлаш керакки, АҚШда пенсиялар 1915 йилдан бери давлат хизматчиларига

тұланаар, биринчи корпоратив пенсиялар эса 1875 йилларда мавжуд бўлган, лекин бу тўловлар тизимли характерга эга эмас эди. Бугунги кунда АҚШда пенсия таъминоти тақсимланувчи ва жамғарилувчи тизимлар аралашмасига асосланган пенсия тизими хисобланади.

Лотин Америкасида 1924 йилда ташкил этилган Чили пенсия тизимини алоҳида таъкидлаш керак. Аввалига Чилининг пенсия тизими фақат тақсимот принципи асосида иш олиб борган, аммо 1981 йилдан бошлаб у тўлиқ жамғарилувчи тизимга ўтказилган. Бугунги кунда Чилидаги пенсия тизими тақсимланувчи ва жамғарилувчи аралаш модел хисобланади. 1990-2000 йилларда Чили тажрибаси миңтақанинг кўплаб мамлакатларида ислоҳотлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Шундай қилиб, 1993 йилда Перуда жамғарилувчи тизим жорий қилинган бўлса, 1997 йилда Мексика ва Боливияда, 1998 йилда Салвадорда тақсимланувчи пенсия тизимдан воз кечилди, Аргентина ва Колумбияда эса 1994 йилда жамғарилувчи ва тақсимланувчи тизимлар элементларининг комбинациясига асосланган пенсия тизими жорий этилди.

Осиё мамлакатлари ичиде 1942 йилда пенсия тизимини ташкил қилган Япония давлатини ажратиб кўрсатиш мумкин. Япониянинг замонавий пенсия тизими тақсимланувчи ва жамғарилувчи принциплар асосида қурилган. Давлат барча фуқароларини давлат пенсиялари билан таъминлайди, давлат пенсияларига қўшимча равища корпоратив пенсия тизими хам ишлайди. Яна бир осиё мамлакати бўлмиш Хитой пенсия тизимига алоҳида эътибор қаратиши лозим, у ерда яқин вақтгача фақат давлат компанияларининг мансабдор шахслари ва ходимлари пенсияга чиқиши мумкин эди ва қишлоқ аҳолисини пенсия таъминоти фақат 2009 йилда жорий этилган. Бугунги кунда Хитойнинг “де-журе” пенсия тизими учта даражадан иборат - давлатнинг тақсимланувчи, давлатнинг жамғарилувчи ва ихтиёрий жамғарилувчи тизимлар. Аммо шуни таъкидлаш керакки, турли маълумотларга кўра давлатнинг тақсимланувчи тизими мамлакат аҳолисининг атиги 30-50 фоизини қамраб олади, амалда мамлакат аҳолисининг 10 фоизидан кўпроғиганина пенсия тўловлари тўлаб келинади, шу билан бирга жамғарилувчи тизим яқинда пайдо бўлганлиги сабабли таъсир даражаси унчалик юқори эмас. Шундай қилиб, Хитойда тўлақонли давлат пенсия тизимини яратиш жараёни давом этмоқда.

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида пенсия тизимидағи ислоҳотлар, энг аввало, демографик омиллар, жумладан, аҳоли сони, аҳолининг ёш жихатдан таркибий тузилиши, демографик ва пенсия юки коэффициентлари, туғилиш ва ўлиш даражаси, пенсионерлар сони, аҳолининг ўртacha умр кўриш давомийлиги, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.



**1-расм. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган пенсия таъминоти ислоҳотлари йўналишлари**

Халқаро мөхнат ташкилотининг тадқиқотига асосан, 2010-2016 йилларда 169 та мамлакатда бир қатор муҳим йўналишларда пенсия таъминоти ислоҳотлари амалга оширилди. Эътиборли жихати шундаки, ислоҳотларнинг асосий қисми яни 72 ҳолатда пенсия ёшини оширишга каратилган.

Пенсионерлар улушининг кўпайиши пенсия тизимларига юкни оширади, ИХТТ мамлакатлари томонидан амалга оширилган ислоҳотлар асосан пенсия харажатларини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлардан иборат бўлиб қолмоқда.


Масалан, Чехия ва Финляндия индексацияни пасайтириди, Франсия унинг тартибини ўзгартириди, Греция ва Белгия уни музлатиб қўйди. 2017 йилдан бери Словакия индексацияни инфляция билан боғлади (илгари инфляция даражаси ва иш ҳақининг ўсиш суръати билан), худди шу қоидалар Швеция, Финляндия, Португалия ва Германияда қўлланилади. Туркияда индексация ялпи ички маҳсулотнинг суръатига боғлиқ. Люксембург пенсия даромадлари харажатлардан ошган тақдирдагина пенсияларни индексация қиласи.

Шу билан бирга пенсия ёши оммавий равишда оширилди. Буни 34 та ИХТТ мамлакатларидан 30таси амалга оширди (2015 йилда; 2016 йилда Латвия ИХТТнинг 35-аъзосига айланди): Чехияда 2014 йилда иш бошлаган 20 ёшли фуқаролар 64 ёшдан олдин пенсияга чиқа олмайди, Ирландия ва Буюк Британия эса - 68 ёшда. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида пенсия ёши эркаклар учун 60 ёш ва аёллар учун 55 ёшни ташкил этган ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларда хозир ўртача 65 ва 63 ёшни ташкил этади.

2014-2015 йиллар ичидә Канада, Белгия, Испания пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб 67 ёшга еткәзди, Германия бу пайтда пенсия ёши йилига бир ойдан 65 ёшдан 67 ёшга еткүнгача күтәрилишини эълон қылди, Нидерландияда бу күрсаткич 2021 йилда, Австралияда эса 2023 йилда 67 ёшга етади. Венгрия пенсия ёшни 62 ёшдан 65 ёшга узайтириди, Португалияда эса пенсия ёшини 65 дан 66 ёшга күтәрилиш мамлакатда умр күриш давомийлиги ошса амлга оширишини эълон қылди. Словенияда пенсия ёши энг паст күрсаткичлардан бири - 58 ёш - бу 40 йил давомида бадалларни тұлаганлар учун 60 га, камроқ вақт бўлса - 65 га күтәрилади

Охириг икки йилда ИХТТ давлатлари пенсия тизимларидағи ислоҳотлар иқтисодий вазияттинг яхшиланиши ва баъзи мамлакатларда илгари қабул қилинган чора-тадбирларни амалга ошира олмаганликлари сабабли сиёсий босимнинг кучайиши натижасида камая бошлади. Сўнгги икки йил ичида кўплаб пенсия ислоҳотлари пенсия таъминоти учун ёшга оид талабларни енгиллаштиришга, пенсия тўловларини, шу жумладан биринчи даражали пенсияларни кўпайтиришга, пенсия таъминотини кенгайтиришга ёки шахсий жамғармаларни рағбатлантиришга қаратилган. Сўнгги пайтларда амалга оширилган баъзи йирик сиёсий ҳаракатлар хам олдинги ислоҳотларнинг қисман ўзгаришига сабаб бўлди.

ИХТТ мамлакатларида аҳолининг қариши тезлашмоқда. Сўнгги 40 йил ичидаги 100 та ижтимоий фаол аҳоли (20-64 ёш) орасида 65 ёшдан ошган кишилар сони 20 дан 31 гача ўсади. 2060 йилга келиб, 58 тага етиши мумкин. Хусусан, Греция, Жанубий Корея, Полша, Португалия, Словакия Республикаси, Словения ва Испанияда аҳолининг қариши жуда тез бўлиши кутилмоқда, Япония ва Италия эса аҳолиси энг кўп қариётган давлатлар қаторидаги колади.




Тез қариш пенсия тизимларига доимий босим ўтказади. Молиявий инқироз күплаб давлатларнинг қарздорлиги юқори бўлган давлатлар қаторида қолдирмоқда, шу сабабли маневр қилиш учун имкониятлар чекланган. Буларнинг барчаси пенсия тизимларининг молиявий холатини албатта оғирлаштириди ва яна ислоҳотларга зарурат юзага келди.

Сўнги икки йил ичида ИХТТ мамлакатларидағи пенсия сиёсатини ислоҳ қилиш йўналишлари:

- 1) пенсия ёшини ошириш чекланди ва эрта пенсия олиш имкониятларини кенгайтириши (Италия, Нидерландия ва Словакия);
- 2) пенсия ёши оширилди (Эстония);
- 3) меҳнатни рағбатлантириш кучайтирилди (Белгия, Канада ва Дания);
- 4) биринчи даражали пенсия таъминоти қамрови кенгайтирилди (Австрия, Франция, Италия, Мексика ва Словения);
- 5) кам таъминланганлар учун бадаллар камайтирилди ва пенсиялар оширилди (Германия);
- 6) демографик ўзгаришлар даврида пенсия ва нафақаларини ошириш тўхтатилди (Испания);
- 7) давлат пенсия таъминотини хусусий сектор имтиёзларига кўпроқ мослаштирилди (Норвегия);
- 8) бадал ставкалари ўзгартирилди (Венгрия, Исландия ва Литва) ёки бадаллар тўлаш бўйича имкониятлар кўпайтирилди (Янги Зеландия);
- 9) пенсиялар учун мажбурий бадаллар қамрови оширилди (Чили);
- 10) пенсионерлар учун солиқ тартибини ўзгартирилди (Швеция).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий фаол аҳолиси зиммасига пенсия тўловлари бўйича юк ошиб бормоқда. Масалан, аҳолининг 2018-2025 йиллар учун демографик прогнозларига кўра, пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) ошиши кутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, Пенсия жамғармаси харажатларининг мутаносиб равишда ошишини кўрсатади



**3-расм. Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган фуқароларсони ҳамда уларнинг кейинги даврга прогнози, киши**

3-расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб пенсия тайинлаш учун мурожаат қилувчиларнинг ўртача йиллик сони барқарор равишида ортиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич 2025 йилга бориб 300 минг киши даражасидан ортади. Мазкур ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг кескин ўсишининг асосий сабаби сифатида туғилиш даражаси юқори бўлган ўтган асрнинг 50-60-йилларида дунёга келган фуқароларнинг бугунги кунда умумбелгиланган пенсия ёшига этиши орқали изоҳланади. Бу тенденция кейинги йилларда ҳам давом этиши мамлакатимиз пенсия тизими ва бюджетимизнинг молиявий юкламасини ошишига сабаб бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан малакатимизда пенсия таъминоти тизимида ислоҳотлар ўтказиш ва бу келажакда

ижтимоий химояга муҳтож қатlam ҳисобланган ёши улуғ инсонларнинг муносиб таъминланишига замин яратмоғи лозим.

### **Хулоса ва таклифлар**

1. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимининг барча учун тенглаштирилганлиги ва бирхиллаштирилганлиги оқибатида ундаги рағбатлантирувчи механизмларнинг заифлашуви аҳоли иқтисодий фаол қисмининг аксарияти (мехнатга лаёқатли аҳолининг 60 фойздан кўпроғи)ни давлат пенсия таъминоти тизими даромадларини шакллантиришда ҳамда ижтимоий сугурталаш тизимида иштирок этмаслигига сабаб бўлмоқда. Бунда пенсия тизимини жозибадорлигини ошириш учун янги иструментларни яратиш лозим, қандай қилиб деган ҳақли савол пайдо бўлади. Энг аввало даромадларимизни оширмас эканмиз келажақда давлат бюджетига қарам бўлиб қолишимиз кундек равшан, шундай экан ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиб, фақат янгитдан пенсия тайинланаётган фуқароларимизнинг ўзига хозирги кундаги мамлакатда белгиланган ёшда доир пенсиянинг 50% миқдордаги қисмини, келажакда мамлакатимизда яшаш минимуми кўрсаткичи ишлаб чиқилса айнан шу кўрсаткич миқдорини, давлат бюджети маблағларидан тўланишига эришиш, бу борада ҳисоб китоб қиласидан бўлса 2021 йилда 266530 нафар янги пенсиялар тайинланиши кутилаётган бўлса хозирда мамлакатимизда ёшда доир пенсиянинг 50% миқдори – бир ойда 233340 сўмни ташкил қиласи, келтирилган таклифга асосан йил охирида албатта 266530 нафар пенсионерга бирданига пенсия тайиланмаслигини ҳисобга олсақ, Пенсия жамғармаси томонидан тежалган маблағ бир ойда 31,1 млрд. сўмни ташкил қиласи. Бў сўмма йил давомида тахминан 373,15 млрд. сўмни ташкил қилиши мумкин. Бу сўмма албатта унчалик катта бўлмаслиги мумкин лекин бу тизим асосода иш олиб борилса давлат бюджетига хам юқори дараҷада юклама тўшмайди ва босқичма босқич пенсия тизимимизда давлат пенсиялари деган тушинча кириб келади.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатда умумий аҳоли таркибида пенсия ёшидаги аҳолининг улуси кескин ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда ёшга доир янги тайинланган пенсияларнинг ўртача йиллик сони 220 минг нафардан ортиб, умумий ҳолда охирги 10 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2,5 бараварга ошган. Айни пайтда Ўзбекистонда пенсияга чиқиши ёши дунё мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткич бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, тадқиқотларнинг кўрсатишича, хорижий давлатларда, шу жумладан ривожланган мамлакатлarda пенсияга чиқиши ёши нисбатан юқори ҳисобланади. Бу йўналишда хам ҳамма учун бирданига пенсия ёшини ошириш мамлакатимиз аҳолиси орасида катта қаршиликларга олиб келиши мумкин, мамлакатимизда албатта иш шароитлари оғир касблар билан бир қаторда ҳозирда замонавий технологилар билан жиҳозланган тармоқлар мажуд, шу билан бизга қайси соҳаларда пенсионерларимиз энг кўп фаолият олиб бораётган тармоқлар ўрганилиши лозим, шундан сўнг чет элдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб пенсия ёшини маълум бир тармоқлар ичида кўтариш мақсадга мувофиқ, чунки ҳозирги шароитда хар бир соҳада пенсия ёшини ошириш мақсадга мувофиқ эмас деб уйлайман.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Роик В.Д. Пенсионная система России: история, проблемы и пути совершенствования. Москва: 2007.
2. Каспарьянц Н.М. Пенсионное страхование: региональные аспекты. Армавир: 2014.
3. Пудовкин А.В. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Москва: 2017.
4. Стрепетова А.Д. Институционализация Пенсионной Системы: Теоретические Проблемы Социологического Исследования //Слово молодым ученым//2015
5. Ш.З.Давронов. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш. Тошкент: 2019.

6. J.P.Tursunov. Reforms in pension supply system in Uzbekistan. European Journal of Research. №3. 2019.
7. Pensions at a Glance (2017) OECD and G20 indicators 2017
8. Pensions at a Glance (2019) OECD and G20 indicators 2019

# ИҚТІСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Сафарова Зухра Мухиддиновна**

Тошкент молия институти  
“Менежмент” кафедраси ўқитувчиси

## ТАШКИЛИЙ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАР ВА ХОДИМЛАР

**For citation:** Safarova Zuxra Muhiddinovna. ORGANIZATIONAL BEHAVIOR AND EMPLOYEES. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp: 75-80



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-10>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ташкилий хатти-харакатлар ҳамда ташкилот таркибидаги ишчи-ходимларнинг ўзаро муносабати тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотнинг мақсади ташкилий хатти-харакатлар ҳамда унга ходимлар манфаат ва мақсадларининг мувофиқлигини тадқиқ ҳамда таҳлил этишдан иборат.

**Калит сўзлар:** ташкилий хатти-харакатлар, ташкилот, ходимлар, мотивация, ходим, хулқ-автор.

## ORGANIZATIONAL BEHAVIOR AND EMPLOYEES

### ABSTRACT

This article examines organizational behaviors and employee interactions within the organization. The purpose of this study is to study and analyze the organizational behavior and the relevance of the interests and goals of employees to it.

**Keywords:** organizational behavior, organization, employees, motivation, employee, behavior.

## ОРГАНИЗАЦИОННОЕ ПОВЕДЕНИЕ И СОТРУДНИКИ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматривается организационное поведение, а также взаимоотношения сотрудников внутри организации. Целью данного исследования является изучение и анализ организационного поведения и соответствия интересов и целей сотрудников ему.

**Ключевые слова:** организационное поведение, организация, сотрудники, мотивация, работник, поведение.

### Кириш

Ташкилий хулқ-автор - бу ташкилотнинг ижтимоий, технологик ва экологик мұхитдаги хатти-харакати, унинг фаолияти, бошқа ташкилотлар, шунингдек шахслар билан муносабатлари йиғиндисидир.

Шунингдек, ташкилий хатти-харакатларни ташкилот таркибидаги ишчи-ходимларнинг ўзаро муносабати сифатида ҳам белгилаш мүмкін.

Худди шу ташкилий мұхитда ишчи-ходимлар ўзларини бошқача тутишади. Бирор киши ҳар қандай шаклни ёки бошқа ҳаракат турини танлашда ҳар доим эркін фаолият олиб боради. У корхонада мавжуд бўлган хатти-ҳаракатларнинг шакллари ва меъёрларини, унинг қадриятларини қабул қилиши ёки аксинча, қабул қилмаслиги ёки фалсафа ва мақсадлар билан баҳам кўрмаслиги мумкин. Хулқ-атвортнинг ушбу асосий таркибий қисмлари қандай бирлаштирилганига қараб, ходимларнинг ташкилий хатти-ҳаракатларининг 4 модели ажралиб туради:

ташкилотнинг интизомли ва садоқатли аъзоси;  
оппортунистик;  
асл;  
исёнчи.

Ташкилотнинг интизомли ва садоқатли аъзоси хатти-ҳаракатларнинг барча нормаларини ва белгиланган қадриятларни тўлиқ қабул қиласи. Бундай ҳолда, ходим ўз хатти-ҳаракатлари ташкилот манфаатларига зид келмайдиган тарзда ўзини тутишга ҳаракат қиласи: у доимо интизомли бўлишга, ўз вазифаларини қабул қилинган меъёрлар ва хулқ-атворт шаклларига қатъий мувофиқ равишда бажаришга ҳаракат қиласи. Бундай ходимнинг ҳаракатларининг натижалари унинг шахсий қобилиятлари шунингдек, унинг функциялари ва ташкилотдаги ролининг мазмuni қанчалик тўғри белгиланишига боғлиқ.

Оппортунист ходимлар ташкилотнинг қадр-қимматини қабул қиласи, лекин ўз хулқ-атвортини унда қабул қилинган хатти-ҳаракатларнинг шакллари ва меъёрларига мос равишида қуришга ҳаракат қиласи. У ҳамма нарсани қоидалар асосида ва тўғри бажаради, лекин у ташкилотнинг ишончли аъзоси деб таснифланмайди, чунки у раҳбар ва яхши ишчи бўлса ҳам, у ташкилотни тарк этиши ёки шахсий манфаатларига мос келдиган корхона манфаатларига зид ҳаракатлар қилиши мумкин. Масалан, бундай ходим сизни бошқа компания унга энг яхши иш ҳақи шартларини таклиф қилган ва ҳеч қандай пушаймон бўлмасдан корпоратив сирларни рақобатчиларга очиб берган заҳоти сизни осонгина тарк этади. Шуни ёдда тутиш керакки, оппортунист ходимлар орасида энг кенг тарқалган хатти-ҳаракатлар тури ҳисобланади.

Ўзига хос ходимлар ташкилотнинг мақсадларини қабул қиласи, лекин унда ривожланган хатти-ҳаракатлар ва анъаналарни қабул қиласи. Бундай ҳолда, ходим ҳам раҳбарият, ҳам ҳамкаслар билан муносабатларда кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Коллективда у "оқ қарға" га ўхшайди. Аммо, агар раҳбарият мослашувчан бўлса ва индивидуал ходимлар учун аллақачон ўрнатилган ва ўрнатилган хатти-ҳаракатлар стандартларидан воз кечиши ва уларга хулқ-атвортни танлаш эркинлигини бериш учун куч топса, ушбу тоифадаги ташкилот ўз ўрнини эгаллаши ва унга катта фойда келтириши мумкин. Ушбу тур ўзига хос эчимлар ва янги ғояларни яратишга қодир бўлган ижодий омборнинг кўплаб истеъоддли одамларини ўз ичига олади.

Исёнчи - бу қадриятлар ёки хатти-ҳаракатлар нормаларини қабул қиласи. Ушбу ходим атроф-мухит билан доимо тўқнашадиган ва низоли вазиятларни яратадиган очиқ қўзғолончи. Кўпинча, "қўзғолончилар" ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан кўплаб ҳаётий муаммоларни келтириб чиқаради, бу эса ташкилотнинг ҳаётини мураккаблаштиради ва баъзан унга зарар этказади. Бироқ, бундай ташкилий хатти-ҳаракатларнинг қабул қилиниши мумкин эмас ва бу каби ишлайдиган ходимлар ташкилот учун фойдасизdir. Ва улар орасида, кўплаб нокулайликларга қарамай, мавжудлиги билан катта фойда келтирадиган қобилиятли одамлар бор.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади ташкилий хатти-ҳаракатлар ҳамда унга ходимлар манфаат ва мақсадларининг мувофиқлигини тадқиқ этишдан иборат.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Бирор ташкилот фаолиятининг динамик жиҳатлари "Ташкилий хатти-ҳаракатлар" деб номланган жуда кенг тарқалган тартиб деб ҳисобланади.[1,6]

Ташкилий хулқ-атворт- бу ташкилот ичидағи одамларнинг хатти-ҳаракатларини, шунингдек, ташкилот ичидағи муносабатларни мунтазам ўрганишдир. Ташкилотдаги одамларнинг хатти-ҳаракати тасодифий эмас. Ҳар бир инсон ноёбдир, аммо ташкилотдаги

ходимларнинг муносабатлари ва хатти-ҳаракатлари учта даражада таҳлил қилинган индивидуал, гурухий ва ташкилий.

Стивен Коссен ташкилий хатти-ҳаракатларнинг энг машхур таърифларидан бирини таклиф қилди: "... ҳар бир ходимнинг эҳтиёжлари ва истакларини индивидуал равишда ташкилотнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари билан бирлаштириш мақсадида одамларнинг хулқ-автори ва уларнинг ташкилотдаги муносабатларини ўрганадиган интизом".[2]

В. Мастенбрук (1996) биринчи ва иккинчи йўналиш вакиллари томонидан ҳисобга олинган асосий фарқларни ўз ичига олган жадвални тақдим этади.[4]

1-жадвал.

#### **Тизим модели ва жалб қилинган томонларнинг моделлари ўртасидаги фарқлар [4]**

	Тизим модели	Жалб қилинган модел
1 Тахлилнинг асосий мавзуси нима?	Ташкилот аниқ функционал талабларга эга бўлган ташкилот сифатида	Ўз-ўзини қизиқтирадиган кичик гуруҳлар
2 Ташкилот қанчалик кучли?	Барқарор, сақлашга каратилган ҳаракатлар билан	Бекарор, энг яхши ҳолда, "қизиқиш доираси"
3 Қандай ҳаракатлантирувчи кучларга урғу берилган?	Нормалар ва изчилликнинг маъноси	Санкциялар ва мукофотлар
4 Тахмин қилинадиган одамнинг қиёфаси қандай?	Ташкилот манфаатларидан хавотирда	Бефарқ, эҳтиёткор, шахсий даромад хақида ташвишланинг
5 Эмоционал таҳлил нима?	Баркамол	Безовта, реалист

Мастенбрұск ўзининг версиясини - "томонларнинг модели" ни таклиф этади, унинг нүктаи назари бўйича, юқорида тавсифланган моделларнинг ижобий хусусиятларини бирлаштирган ва бир вақтнинг ўзида ташкилотларнинг ҳам тармоққа, ҳам хатти-ҳаракатларига таянади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Ташкилий хатти-ҳаракатлар тизимини тадқиқ қилиш усуллари қўйидагиларни ўз ичига олади.

- интервю, анкеталар, жамоанинг иши ёки ташкилий иқлимдан қониқиши даражасини ўлчаш шакли сифатида сўровлар;
- ташкилотда мавжуд бўлган ва ишчилар ёки ишчилар гуруҳлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни ўрганишни назарда тутадиган қайд этилган маълумотларни тўплаш (корпоратив кодлар, низомлар, иш йўриқномалари ва низомлар, шартномалар);
- Кузатиш - иш жойининг ҳолати ва ҳолатини, ходимларнинг ташқи кўринишини ташкилий маданият талабларидан келиб чиқкан ҳолда ўрганиш;
- тажрибалар - табиий ёки лаборатория тажрибаларини ўтказиш.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ташкилий хулқ-автор - бу ташкилотнинг индивидуал фаолияти ва фаолиятини тушуниш, башорат қилиш ва такомиллаштириш мақсадида шахслар, гуруҳлар ва ташкилотларни тизимли илмий таҳлил қилишdir.

Ҳар қандай ташкилотнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ходимларининг хатти-ҳаракатларига боғлиқ. Ташкилотлардаги шахслар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар шахсларнинг хулқ-автори учун замин яратади.

Ҳар қандай вазиятда кишининг хатти-ҳаракати унинг шахсий хусусиятлари ва вазиятнинг хусусиятларининг ўзаро таъсири натижасида юзага чиқади. Шунинг учун вақт ва мураккаблик туфайли барча омилларни аниқлаш жуда қийин; кўп ҳолларда бу имконсиз вазифадир.

Тасодифий (ёки вазиятли) ёндашув ташкилотнинг хулқ-авторини бошқариш ишига таъсир этувчи муҳим омилларни аниқлаш учун ишлатилади. Тасодифий ёндашувнинг асосий ғояси шундан иборатки, бошқаришнинг ҳақиқий универсал шакли мавжуд эмас: битта ҳолатда жуда самарали бўлган усул бошқа барча жойларда қўлланилмаслиги мумкин.

Ташкилотда фаолият юритадиган ходимларнинг индивидуал фаолияти ташкилотнинг асосидир. Шунинг учун шахсни хатти-харакатини тушуниш ташкилотни самарали бошқариш учун жуда муҳимdir. Жумладан:

Шахсий хусусиятлар. Ташкилотнинг ишлаши шахснинг ишлашига боғлиқ бўлганлиги сабабли, менежерлар шахснинг фаолиятини белгиловчи омиллардан хабардор бўлишлари керак. Психология ва ижтимоий психология бу муносабатларнинг акси, муносабат, ҳислар, кутишлар, баҳолашлар ва индивидуал кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумот беради.

Шахсий мотивация. Мотивация ва меҳнат қобилиятининг ўзаро боғлиқлиги шахснинг ишлашини белгилайди. Мотивация назарияси меҳнатга қизиқишни қандай уйғотишни, уни ошириш ёки пасайтиришни тушунтириш ва олдиндан белгилашга интилади.

Меҳнатни рағбатлантириш ва қадрлаш. Ташкилотдаги мукофотлар тизими шахснинг фаолиятига энг кучли таъсирлардан бирига эга.

Стресс. Бу инсон томонидан бажарилган иш ва унинг шахсиятининг индивидуал хусусиятлари ўртасидаги тафовутнинг натижасидир.

Гурух ва шахсларо таъсир ташкилотга ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Гурух ҳаракати. Ташкилотларда гуруҳлар бошқарув ҳаракатлари натижасида ҳам, алоҳида ходимларнинг саъӣ-ҳаракатлари натижасида ҳам шакллантирилади. Менежерлар муайян иш турлари ва топшириқларни бажаришга қодир бўлган тарзда гуруҳларга ажратадилар. Бошқарув қарорлари натижасида тузилган гуруҳларга расмий гуруҳлар дейилади.

Гуруҳлар, шунингдек, ишчиларнинг ўзлари ҳаракатлари натижасида шакллантирилади. Умумий манфаатлар ва боғлиқликлар асосида шаклланган гуруҳларга норасмий гуруҳлар дейилади.

Гуруҳларо хатти-ҳаракатлар ва низолар. Гуруҳларнинг ишлаши ва уларнинг ўзаро таъсири жараёнида уларнинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларни, шу жумладан таркиби, манфаатлар ҳамжамияти, роллари, нормалари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ривожланади. Аслида гуруҳнинг ўзи ўзига хос маданиятини шакллантиради. Натижада, гуруҳлар бошқа гуруҳлар билан ҳамкорлик қилиши ёки рақобатлашиши мумкин ва гуруҳлараро рақобат низоларга олиб келиши мумкин.

Куч ва сиёsat. Куч - бу кимгadir керак бўлган нарсани қилиш қобилиятини бериш ёки воқеаларга улар хоҳлаган тартибда содир бўладиган тарзда таъсир қилиш қобилияти.

Етакчилик. Раҳбарлар барча ташкилотларда мавжуд. Улар расмий гуруҳларнинг раҳбарлари ёки норасмий бўлиши мумкин.

Самарали ишлаш учун менежерлар ташкилий тузилмани аниқ тушунишлари керак. Ташкилотнинг тузилиши - бу ташкилот бўлинмалари ўртасидаги таъсир ва муносабатларнинг расмий схемаси. Ташкилий тузилишнинг иккита муҳим жиҳати мавжуд: фаолиятни лойиҳалаш ва ташкилий лойиҳалаш. Мехнатни лойиҳалаш - бу менежерлар таркиби, амалга ошириш усуслари ва турли ишларнинг ўзаро боғлиқлигини, шу билан бирга ташкилий ва индивидуал талабларни қондирадиган жараён. Ташкилий лойиҳалаш- бу ташкилот таркибидаги тўлиқ ўзгариш.

Хулқ-автор жараёнлари ташкилот тузилишини ҳаёт билан тўлдиради. Агар ушбу жараёнлар қониқарсиз бўлса, унда маълум муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Ташкилотнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган асосий хатти-ҳаракатлар алоқа, қарор қабул қилиш, ижтимоийлашув ва мартаба ривожланишидир.

Алоқа. Ташкилотнинг рақобатбардошлиги менежментнинг маълумотларни олиш, узатиш ва ҳужжатлаштириш қобилиятига боғлиқ. Алоқа жараёни ташкилотни ташқи дунё билан ҳам, унинг таркибий қисмларини ҳам яхлит бирлаштиради.

Қарор қабул қилиш. Ташкилотда қарорларни қабул қилиш сифати мақсадларни тўғри танлашга, хатти-ҳаракатлар ва таркибий омилларга боғлиқ, раҳбарият томонидан юқори сифатли қарор қабул қилиш эҳтимоли ошади.

Ижтимоийлаштириш ва мартаба ривожланиши. Бирор шахс томонидан унга қўйилган талабларни ўрганадиган жараён социализация деб аталади. Ижтимоийлаштириш расмий равишда, янги ходимларга иш мажбуриятлари рўйхати берилганида ёки норасмий равишда, менежер ва ҳамкаслар янги ходимга ташкилотнинг талаблари тўғрисида хабар берганда расмий бўлиши мумкин.

Шахсий, гурухли ва ташкилий қўрсаткичлар. Ходимларнинг индивидуал фаолияти гурухнинг муваффақиятига ҳисса қўшади, бу эса ўз навбатида ташкилотнинг самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, ҳақиқатан ҳам самарали ташкилотларда менежмент ташкилотнинг ишлаши натижалари унинг таркибий қисмларининг натижалари йифиндисидан (синергик эффект) юқори бўлган вазиятни яратишга ёрдам беради.

Ташкилий ўзгариш - бу хатти-ҳаракатлар ва жараёнлар таркибини ўзгартириш орқали раҳбарият томонидан шахслар, гурухлар ва ташкилотларнинг умумий фаолиятини оширишга қаратилган атайлаб қилинган уриниш.

Ташкилий хулқ-атвор самарадорлиги бу ишлаб чиқариш, сифат, самарадорлик, мослашувчанлик, қоникиш, рақобатбардошлиқ ва ривожланишнинг мақбул нисбати.

Базавий даража - бу индивидуал ходимлар ёки ташкилот аъзолари томонидан топширикларни бажариш даражасини акс эттирувчи индивидуал самарадорлик. Ташкилот аъзолари камдан-кам ҳолларда бошқа иштирокчиларидан алоҳида ҳолда якка ўзи ишлайди, бу эса бошқа концепцияни - гурухнинг самарадорлигини кўриб чиқишни тақозо этади. Учинчи тур - бу ташкилий самарадорлик. Ташкилотлар ходимлар ва гурухлардан иборат; шунинг учун ташкилий самарадорлик индивидуал ва гурухли самарадорликни ўз ичига олади. Шу билан бирга, ташкилий самарадорлик синергистик таъсир туфайли индивидуал ва гурух самарадорлиги йифиндисидан юқори туради.

Самарадорликка мақсадли ёндошиш - бу самарадорликни баҳолаш мезони сифатида мақсадга эришишнинг марказий ролини таъкидлайдиган самарадорликка қараш.

Ташкилий кўриш одатда қисқа муддатли самарадорликнинг беш мезонидан фойдаланади, улар ушбу турдаги бошқа барча мезонларни ифодалайди: маҳсулдорлик, сифат, самарадорлик, мослашувчанлик ва қоникиш. Бошқа иккита мезон ўртача давомийлик (рақобатбардошлиқ ва ривожланиш) самарадорлигини акс эттиради.

2-жадвал

#### Бошқарув функциялари ва самарадорлик ўртасидаги боғлиқлик

Бошқарув функциялари Режалаштириш	Самарадорлик омиллари		
	Жисмоний шахслар	Гурухлар	Ташкилот
Ташкилот	Вазифалар	Мақсадлар	Миссиялар
Етакчилик	Лойихалаштириш ишлари	Бўлимнинг функциялари Бўлим хажми	Интегратив усул ва жараёнлар
Бошқарув	Делегация	Гурух таъсири	Ташкилотга таъсири
Бошқарув функциялари	Ҳокимият	Гурухларнинг ишлаш стандартлари	Ташкилотнинг ишлаш стандартлари

Бошқа томондан, раҳбарнинг ўзи, бўлинмалар (горизонтал), турли хил иерархik даражадаги хизматлар (диагонал), юқори ва куйи менежерлар (вертикал "юқоридан пастга" ва "пастдан юқорига") ўртасида шаклланадиган масъулиятли қарамликнинг объектив равишида пайдо бўладиган бошқарув муносабатларига таянади. Айниқса бозорда товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун ташкил этилган ҳар қандай ташкилот бошқарув муносабатлари тармоғида бирлаштирилган. Айнан улар ташкилий бошқарувнинг асосини ташкил этади.

Ташкилотда бошқарув муносабатлари расмийлаштирилган ва шахсийлаштирилган сифатида намоён бўлади. Уларнинг ҳар бир компаниядаги, ҳар бир бўлимдаги комбинацияси

бошқача бўлиши мумкин. Ташкилий менежментнинг моҳияти компаниянинг ривожланишининг турли босқичларида уларнинг мақбул комбинациясини топишидир (2-жадвал).

### **Хулоса ва таклифлар**

Ташкилий хатти-ҳаракатларга замонавий ёндашув қатъий методологияга асосланади. Хулқ-атвор сабабларини топиш жуда нозик ва мураккаб жараён. Муаммо шу қадар мураккабки, баъзи олимлар хулқ-атворнинг аниқ илми эҳтимоли тўғрисида баҳслашади. Инсоннинг хатти-ҳаракатларини бошқариш ва назорат қилиш мумкин эмас, худди шундай бошланғич хатти-ҳаракатлар билан, у бошқача бўлиши мумкин. Инсон дунёқарашининг ўзгариши (тажриба, билим, идрок, сабаблар ва бошқалар) олимлар яратмоқчи бўлган бошқарув элементларини йўқ қилади.[12]

Ташкилий хатти-ҳаракатлар менежментнинг бутун таркибини эмас, балки бошқарувга бўлган хулқ-атворли ёндашувни англатади. Бошқаришнинг бошқа ёндошувлари жараён, миқдор, тизим ва вазиятни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, ташкилий хатти-ҳаракатлар ташкилий маданиятнинг ҳосиласидир, ижтимоий ташкилот маданиятининг кўплаб элементлари унда ўз ифодасини топади, айниқса қадриятлар, меъёрлар ва анъаналар. Ташкилий маданиятни бошқаришнинг якуний мақсади - бу ташкилотининг фаолияти мақсадлари ва вазифаларига энг яхши жавоб берадиган ва шунга мос равишда самарали ташкилий фаолиятни таъминлайдиган ходимларнинг ташкилий ҳаракати.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Гибсон Дж. Д., Иванцевич Дж., Донелли Дж. Х. -мл. Организации: поведение, структура, процессы. М.: ИНФРА-М, 2000.
2. Дизель П.М., Раньян В. М.-К. Поведение человека в организации: Пособие для школ бизнеса. М.: Фонд «За экономическую грамотность», 1993.
3. Карташова Л.В., Никонова Т.В., Соломанидина Т.О. Организационное поведение: Учебник. М.: ИНФРА-М, 2001.
4. Кочеткова А. И. Введение в организационное поведение. М.: Интел-Синтез, 2001.
5. Красовский Ю.Д. Организационное поведение: Учеб. пособие для вузов. М.: ЮНИТИ, 1999.
6. Лютенс Ф. Организационное поведение. М.: Инфра-М, 1999.
7. Молл Е.Г. Менеджмент: организационное поведение. М.: Финансы и статистика, 1998.
8. Ньюсипром Д. В., Дэвис К. Организационное поведение: поведение человека на рабочем месте. СПб.; Питер, 2000.
9. Плаус С. Психология оценки и принятия решения. М.: Филинъ, 1998.
10. Спивак В.А. Организационное поведение и управление персоналом. СПб.: Питер, 2000.
11. Филонович С.Р. Лидерство и практические навыки менеджера. М.: ИНФРА-М, 1999.
12. Шухно Е.В. Организационное поведение и его основные модели // Социологический альманах. 2018. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsionnoe-povedenie-i-ego-osnovnye-modeli> (дата обращения: 26.06.2020).

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Хамидов Ихтиёр  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси тингловчиси

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА ДЕРИВАТИВЛАР САВДОСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**For citation:** Hamidov Ixtiyor. DEVELOPMENT OF DERIVATIVE TRADE IN THE SECURITIES MARKET OF UZBEKISTAN. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp:81-86



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-11>

### АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори дериватив савдо тизимларининг иқтисодиётни янада ривожлантириш ва молиявий глобаллашувдаги роли ва тутган ўрнини очиб бериш. Жаҳон фонд биржалари маълумотлари асосида қимматли қоғозлар бозори дериватив савдо тизимлари кўрсаткичлари ва молиявий инструментларни тартибга солиш орқали молиявий тизим барқарорлигини таъминлаш ва деривативлар нафлиигини кўрсатиб беришга бағишиланган.

**Калит сўзлар:** Қимматли қоғозлар бозори, Жаҳон фонд биржалари, жаҳон қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари, капитализация, капитализациянинг ЯИМга нисбати, инвестициялар оқими, маркет-мейкер, фонд биржаси, индекслар, биржадан ташқари деривативлар.

### DEVELOPMENT OF DERIVATIVE TRADE IN THE SECURITIES MARKET OF UZBEKISTAN

### ABSTRACT

Revealing the role and position in financial globalisation and to further improve the economy of derivative trade system in valued paper markets in the country. Based on the world stock exchange information and the valued paper market derivative trade indexes, the paper is devoted to demonstrate the efficacy of derivatives and providing financial system stability by arranging the financial instruments.

**Keywords:** valued paper market, world stock exchange, world valued paper market trade system, capitalisation, capitalisations GDP ratio, investment income, market-maker, fund stock, indexes, derivatives outside of stock market.

### РАЗВИТИЕ ТОРГОВЛИ НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ УЗБЕКИСТАНА

### АННОТАЦИЯ

Раскрыть роль и место производных торговых систем рынка ценных бумаг в нашей стране в дальнейшем развитии экономики и финансовой глобализации. Основываясь на данных мировых фондовых бирж, фондовый рынок посвящен обеспечению стабильности

финансовой системы и демонстрации жизнеспособности деривативов посредством регулирования систем торговли деривативами и регулирования финансовых инструментов.

**Ключевые слова:** рынок ценных бумаг, мировые фондовые биржи, торговые системы мирового фондового рынка, капитализация, отношение капитализации к ВВП, инвестиционные потоки, маркет-мейкер, фондовая биржа, индексы, внебиржевые деривативы.

### Кириш

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозор муносабатларининг ривожланиши билан хўжалик юритишида муҳим ўрин эгаллаган деривативлар бозорининг аҳамияти янада ортмоқда. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва байналмиллашуви натижасида товарлар, хизматлар, капитал оқимлари ва ишчи кучи миграциясининг халқаро даражадаги айланмаси кенгаймоқда.

Бугунги кунда молиявий инструментлар яъни, деривативлар сифатида опционылар, фьючерслар, форвардлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг иштирокисиз бирон бир бизнес турини тасаввур этиш қийин. АҚШ ва Фарбий Европада мижозлар ҳатто ўз банкларидан доимий хизматларнинг бири сифатида деривативлар бозорида (молиявий инструментлар бозори) хизмат кўрсатишларини талаб қилишмоқда. Ўтган йиллар ичida содир бўлган воқеа-ходисалар муайян давлат иқтисодиётини хом-ашё ва ёқилғи маҳсулотлари нарх-навосининг жаҳон бозоридаги тебранишувига бўлган боғлиқлик даражасини пасайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Охирги йиллар мобайнида молиявий инструментлар бўйича кунлик бизнес оқимлари бир маротабалик бизнес шартномаларидан миллиард долларда ўлчанадиган шартномаларга ўзгарди. Ушбу соҳанинг ўта даражада самарадорлиги натижасида кўплаб молиявий компаниялар ўзларининг ривожланиш стратегияларини қайта кўриб чиқмоқда ва ушбу бизнес, (яъни, деривативлар билан ишлаш), учун маҳсус бўлимларини ташкил қилишга юз миллионлаб доллар атрофидаги маблағларини сарфлашмоқда.

Хориж тажрибаси ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий қисмини, молия бозори, хусусан унинг таркибий қисми ҳисобланган қимматли қоғозлар бозори ташкил этаётганлигини кўрсатмоқда. Қимматли қоғозлар бозори инструментларининг асосий савдоси яъни айланмаси унинг савдо тизимлари орқали амалга оширилади. Молия бозори ва унинг савдо тизимлари ўзининг назарий-методологик ва институционал асосларига, фаолияти механизмига, ҳукуқий-меъёрий базисга ва молиявий инструментларига эга. Замонавий қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимлари молиявий глобаллашувнинг асосий кўринишларидан бири сифатида жаҳон иқтисодиёти ҳолатини ўзида акс эттиради, у ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имкониятини тақдим этади, ривожланишини белгилаб беради. Халқаро тажрибада қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари мамлакат иқтисодиёти учун аҳоли жамғармалари ва юридик шахслар пул маблағларини инвестицияларга трансформация қилувчи механизмлардан бири сифатида қаралади. Молиявий глобаллашув шароитида қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржалар фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий-тадқиқотларда қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимлари ҳисобланган фонд биржалари фаолиятини такомиллаштириш, улар орқали мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш, қимматли қоғозлар айланмасига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, уларда муомалада бўладиган инструментларни диверсификациялаш ва жозибадорлигини ошириш, мазкур фаолиятни мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятини самарали ташкил этиш, миллий фонд бозорларини халқаро молия бозорларига интеграциясини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. Аммо, ривожланаётган мамлакатларнинг қимматли қоғозлар бозори ва уларнинг деривативлар савдо тизимлари етарли даражада барқарор эмаслиги, муомаладаги инструментлар сонининг камлиги, ривожланган мамлакатлар қимматли қоғозлар бозорининг айланмаси бошқа давлатлар билан тафовутининг катталиги, фонд бозорларининг иштирокчилар учун кўйган талаблари фарқ қилиши туфайли ўзаро интеграцияни таъминлаш қийинлиги, инвестицияларни жалб қилишда мавжуд потенциалдан етарлича

фойдаланилмаётганлиги сабабли мазкур масала бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда шу боис Ўзбекистонда бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорида деривативлар савдосини ривожлантириш масалалари амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бири бўлиб қолмоқда.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Таъкидлаш жоизки, халқаро амалиётда “фонд бозори”га нисбатан берилган илмий таърифлар борасида турлича талқинлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқланади ва ягона ёндашувни ташкил этмайди. Шу сабабли, фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозори борасида иқтисодчи олимлар ўртасида баҳсли масалалар ҳанузгача давом этаётган бўлсада, ҳорижлик иқтисодчи олимларнинг берган илмий таърифлари ва фикрлари ҳам қизиқарли бўлиб, уларнинг айримларини тадқиқ этишни лозим топдик.

Ҳорижлик олимлар Л.Гитман ва М.Джонкнинг фикрича, қимматли қоғозлар бозори - бу нақд пул етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида битимлар тузиш механизмидир, фонд биржалари – бу муайян қимматли қоғозларни сотиб оловчилар ва сотувчиларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этадиган марказлашган муассасадир[1].

Р.Тьюлз, Э.Брэдли, Т.Тьюлзлар қимматли қоғозлар бозори ва унинг муҳим бўғини ҳисобланган фонд биржа ҳақида фикр юритиб, қимматли қоғозларнинг алоҳида эмиссиялари учун барқарор бозорни яратиш, шубҳасиз фонд биржасининг муҳим вазифаларидан биридир. Барқарор бозорда қимматли қоғозлар катта ҳажмда сотилади ва сотиб олинади, чунки жорий бозор нархларида унчалик катта тебранишлар бўлмайди, - деб таъкидлайдилар.[2]

Жаҳон миқёсида машҳур бўлган инвестор Уоррен Баффетнинг 2002 йилда “Berkshire Hathaway” компаниясининг акциядорларига ёзган хатида деривативларни “оммавий таъсирга эга молиявий курол” сифатида тавсифланган. Бу эса биржадан ташқари деривативларнинг жаҳон молия тизимига олиб келадиган рисклари юзасидан кўпчилик эксперталарнинг хавотирларини аниқ акс эттиради.

Россиялик олима В.Никифорованинг фикрича, қимматли қоғозлар бозорининг савдо тизими бу қимматли қоғозларни сотишни ташкил этиш шакллари ва усуllibарининг, шунингдек, ушбу жараёнларга хизмат кўрсатадиган профессионал иштирокчиларнинг йиғиндисидир.[3]

1998 йилда Аллан Гринспен (ўша даврда АҚШнинг Федерал захира тизими раиси,) ушбу ҳолатни “деривативларни танқид қилувчиларнинг кўпчилиги бу воситалар бозорлари уларни кенг ташвиқот қилиш туфайли эмас, балки улар ўз фойдаланувчиларига иқтисодий қимматликни таъминлаши сабабли шу даражада катта бўлиб кетди” деб изоҳлаган.

Мамлакатимиздаги соҳа олимларидан бири Ш.Шоҳаъзамийнинг фикрича, ҚҚБСТ–бу битишиув тўғрисида шартнома тузишни, тузилган шартнома параметрларини текшириш, клирингни (ҳисоб-китобни) амалга ошириш, битим талабларини охиригача ижро қилиш (тўловни амалга ошириш ва қимматли қоғозларни янги эгасига бериш) имкониятларини берувчи иқтисодий, техник, технологик ва ташкилий воситалар мажмуасидан иборат мураккаб савдо индустрияси сифатида ташкиллашган бозор механизми[4].

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг методологик асоси назарий ва амалий материалларни, қонунчилик ва бошқа хукуқий хужжатларни, илмий-назарий манбалар ва нашрларни ўрганиш натижасида шаклланди. Тадқиқотда назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликларга асосланади шу билан бирга таҳлил, таққослаш ва синтез каби усуllibардан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

1980-йилларнинг иккинчи ярмида Биржадан ташқари деривативлар бозори шиддат билан ривожланиши халқаро ассоциациялар миқёсида унификациялашган қоидаларнинг ишлаб чиқилиши таъсирида содир бўлди. Ушбу жараён дастлаб фоизли ва валюта деривативларида кузатилди. Бугунги кунда биржадан ташқари деривативлар бўйича очик позицияларнинг умумий ҳажми 600 триллион доллардан ортади. Бу жаҳон ЯИМ ҳажмидан 7 мартадан ортиқдир. Бунда очик позицияларнинг асосий қисми мазкур кўрсаткичнинг ўсиши энг юқори суръатларидан бирини ҳам намойиш этувчи фоизли деривативларга тўғри келади.

Уларнинг бозор сегментларидағи улуши 86 фоиздан ортади (1-жавалга қаранг). Бу холат шу билан изохланадики, фоиз рискини бошқариш барча иқтисодий субъектлар, хусусан, тижорат ва инвестиция банклар, реал сектордаги компаниялар фаолиятида мухим ўрин тутади.

### 1-жадвал

#### **Биржадан ташқари деривативлар бўйича бозор сегментларидағи очик позициялар ҳажми (млн. АҚШ долл.)[5]**

<b>Дериватив турлари ва бозор сегментлари</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>Фоизда ўзгариши</b>
Валюта форварди ва свопи	29 775 280	31 935 312	39 574 552	132,91
Фоизли валюта свопи	14 130 193	18 890 095	26 318 120	186,25
Валюта опционы	13 662 018	12 106 637	15 076 725	110,36
Валюта бозори бўйича жами	57 604 215	62 933 119	81 025 031	140,66
Фоизли форвард келишуви	25 607 251	60 028 187	89 433 846	349,25
Фоизли своп	299 155 244	367 540 841	437 065 578	146,10
Фоизли опцион	56 586 914	50 518 782	50 191 039	88,70
Фоиз бўйича келишувлар жами	381 356 619	478 092 807	577 269 322	151,37
Қимматли қофозлар бўйича форвард ва своп	2 668 279	1 854 246	2 349 622	88,06
Қимматли қофозлар бўйича опцион	6 849 922	5 013 284	4 613 729	67,35
Қимматли қозозлар бозори бўйича жами	9 518 201	6 867 530	6 963 351	73,16
<b>Жами</b>	<b>448 479 035</b>	<b>547 893 456</b>	<b>665 257 704</b>	<b>148,34</b>

Шуни таъкидлаш керакки, кредитли деривативлари молия бозорининг нисбатан янги инструментлари ҳисобланиб, уларнинг ривожланиши асосан 1990 йилларига тўғри келади. Шундай қилиб, биржадан ташқари деривативлар мухим хусусиятлари қаторига асосий шартларнинг максимал даражада мослашувчанлиги, шартнома шартларини стандартлаштиришнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, бозорда ликвидлилик даражасига ижобий таъсир этади. Агар молия бозорининг биржа ва биржадан ташқари сегментида амалга ошириладиган деривативлар динамикасини қиёсий таҳлил қилинадиган бўлса, биржадан ташқари деривативларнинг ҳажми 8 марта кўп эканлигини кўриш мумкин.

Жаҳон фонд биржалари федерацияси маълумотларига кўра “2019 йилда жаҳон қимматли қофозлар бозори савдо тизимларининг умумий ҳажми (акциялар – 97,3 трлн. доллар, облигациялар – 13,8 трлн. доллар) – 111,1 трлн. АҚШ долларни ташкил қилди, бу жаҳон ЯИМ умумий ҳажмидан 26,3 трлн. долларга каттадир”. “Деривативлар жаҳон бозори савдо тизимининг ҳажми эса 2019 йилда 30,1 млрд. АҚШ долларига тенг контрактлар (шундан 13,2 млрд. доллар опционлар ва 16,9 млрд. фьючерслар)дан иборат бўлди”. Халқаро тажрибада қимматли қофозлар бозори савдо тизимлари мамлакат иқтисодиёти учун аҳоли жамғармалари ва юридик шахслар пул маблағларини инвестицияларга трансформация қилувчи механизмлардан бири сифатида қаралади.

2019 йилнинг 1 апрел ҳолатига Ўзбекистонда 588 та тижорат корхоналари акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатмоқда . "Тошкент" Республика фонд биржасида фаолият юритаётган брокерлик ташкилотлари сони атиги 45 тани ташкил этмоқда, 130 дан ортиқ аъзо, жумладан, 37 та инвестиция воситачиси, 18 тижорат банки, 6 суғурта компанияси ва 69 та бошқа биржа аъзолари мавжуд. Қимматли қофозлар бозорида профессионал иштирокчилар фаолияти учун амалдаги лицензиялар сони 132 тани ташкил этади. 2019 йилнинг якунлари бўйича республикада биржа операциялари ҳажми "Тошкент" фонд биржаси – 438,8 млрд.сўмни ташкил этган, бу кўрсаткич 2019 йилда -687.3 млрд.сўмни ташкил этган, яъни ўтган даврдаги савдоларнинг 63.8 фоизи ташкил этган.

Мамлакатимиз капитал (фонд) бозоридаги акцияларнинг жами қиймати 25 триллион сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Бироқ бу кўрсаткич хорижий мамлакатларда хусусан Сингапурда 188 фоизни, Малайзияда 112 фоизни, Россияда 34 фоизни, Қозоғистонда 21 фоизни, Туркияда 20 фоизни ташкил этади[8]. Демак, фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни фаоллаштириш зарур.

### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистонда биржадан ташқари деривативлар бозорини тартибга солишга қаратилган дастлабки чора-тадбирлар 2008 йилда “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу тартиб жаҳон амалиётидан фарқли равишда своп битимларини ilk бор биржада тузишни назарда тутди. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда ўз вақтида қабул қилинган ва ташқи омилларнинг салбий таъсири олдини олишга хизмат қилган қатор тадбирлар бири ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти томонидан биржадан ташқари деривативларни марказлаштириш ва биржа сегментига ўтказишга ҳаракат қилиши эса, Ўзбекистонда қабул қилинган амалиёт нечоғлик ҳаққоний эканлигини таъкидламоқда. Шундай бўлсада, Ўзбекистонда биржадан ташқари деривативлар бозорини келгусида ривожлантириш, уларни салбий оқибатларига йўл қўймаслик ва тартибга солинишини такомиллаштириш талаб этилади. Жаҳондаги мамлакатлар миллий фонд бозорларининг ўзаро боғлиқлиги, инеграцияси кучайиб, бир-бирига ўта таъсирчан ҳолда фаолият юритаётганлиги молия бозорининг жаҳон глобал инфратузилмаси вужудга келганлигини билдиради. Корпоратив тузилмалар қимматли қофозлар бозорининг асосий иштирокчиси ҳисобланиб, қимматли қофозлар бозоридаги ҳар қандай ўзгариш улар фаолиятига бевосита таъсир қўрсатади.

Тадқиқот жараёнда қўйидаги **таклифлар** ишлаб чиқилди;

1. Қимматли қофозлар бозори профессионал иштирокчиларининг самарали фаолияти ва уларни хукуқий жиҳатдан манфаатларини ҳимоялаш орқали уларни қимматли қофозлар бозорида фаол ва сифатли иштирокини таъминлаш ҳамда бу орқали бозор ликвидлилиги ва жозибадорлигини ошириш лозим.
2. 1997 й 31 март Қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни фонд бозори ривожланган мамлакатлар конуни билан бир хилаштириш керак. Халқаро своп ва деривативлар бўйича ассоциация (International swap and derivatives association – ISDA) маслаҳат маркази билан алокаларни боғлаш ҳисобланади.
3. Қимматли қофозлар бозори инфратузилмаси иштирокчилари фаолиятида информацион шаффофикни таъминлаш. Корпоратив облигациялар муомаласини кенгайтириб бориш мақсадида устав капитали микдоридан келиб чиқсан ҳолда масъулияти чекланган жамиятларга ҳам корпоратив облигациялар муомалага чиқариш хукукини бериш лозим. Чунки реал ҳолатда айрим масъулияти чекланган жамиятларнинг устав капитали ва фаолият кўлами акциядорлик жамиятларига қўйилган талабларга жавоб беради.
4. Ўзбекистонда муддатли битимлар бозорини ривожлантиришнинг зарурӣ шарти бўлиб биржадан ташқари бозорни тўла амал қилиши ҳисобланади. Шу сабабли, биржадан ташқари бозорни эркинлаштириш ва ўтказиладиган конверсион операциялар кўламини кенгайтириш лозим.
5. Биржадан ташқари деривативлар замонавий молия бозорининг узлуксиз қисми сифатида деривативларнинг тартибга солиш тизимини замонавий шарт-шароитларга мос равишида такомиллаштириш лозим.
6. Қимматли қофозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш орқали нафақат қимматли қофозларни ривожлантириш жараёнларида, балки корпоратив бошқарувни такомиллаштириш жараёнларида ҳам фаол иштирок этиши лозим.
7. Ўзбекистон фонд бозорини ривожланган ва ривожланётган фонд бозорлари билан интеграциялашуви жараёнини тезлаштириш ва биржа савдоларининг қоидаларини бир хиллаштириш лозим.

8. Маркет-мейкерлик институтини шакллантириш. Бунинг учун инвестиция институтлари маркет-мейкерлик фаолиятини амалга ошириш.
9. Депозитарий ва ҳисоб-китоб клиринг тизими фаолиятини такомиллаштириш, яъни қимматли қоғозлар бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг савдо кунларини T+2, T+0 гача қисқартириш, бунинг учун юқоридаги профессионал иштирокчиларнинг техник базасини янгилаш ва уни жаҳон стандартларига мослаштириш;

Ўйлайманки, юқорида келтирилган дастурларнинг амалга ошиши миллий фонд бозоримизни янада ривожлантиришда, ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш орқали хорижий инвесторларни жалб этишда ҳамда маҳаллий эмитент ва инвесторларнинг инвестицион имкониятларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)**

1. Гитман Л.Дж., Джонк Майкл Д.. Основы инвестирования. – М.: Издательство “Дело”, 1997.- С.41-44.
2. Тьюлз Р., Брэдли Э., Тьюлз Т. Фондовый рынок. – 6-е изд.: Пер. С англ. – М.:Инфра- М, 1997.- С.101
3. WFE IOMA 2018 Derivatives Report маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисоблаб чиқилган.
4. Шохаъзамий Ш.Ш. (2005) «Финансовый рынок и ценные бумаги» КНИГА I. Учебник.-Т.: «Иқтисод – молия», 2005.-740 с.
5. Бутиков И.Л. (2009) Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане, Автореферат дисс...доктора. экон. наук.-Ташкент, БФА.
6. Ivica Pervan, Tamara Kuvek. (2013) The relative importance of financial ratios and nonfinancial variables in predicting of insolvency//Croatian Operational Research Review International Scientific Journal, Vol. 4.

### **Электрон сайтлари ресурслари:**

1. <http://lex.uz/>
2. [www.csm.gov.uz](http://www.csm.gov.uz)
3. [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)
4. <http://davaktiv.uz>
10. <http://www.deponet.uz>
11. <http://www.deponet.uz/uz/article/kimmatli-kogozlar-markaziy-depozitariysining-2019-yilning-1-choragidagi-faoliyati-yakunlari>

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Наби Зиядуллаев**

Россия Федерациясининг хизмат қўрсатган фан арбоби,  
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси  
РФА, Бозор муаммолари институти, бош тадқиқотчи (Москва)

nabi926@mail.ru,

**Улугбек Зиядуллаев**

Иқтисод фанлари номзоди,  
"Ипак йўли" банки филиали раҳбари  
(Тошкент, Ўзбекистон Республикаси)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ: ИНТЕГРАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

**For citation:** Ziyadullayev Nabi&Ziyadullayev Ulugbek. REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE EURASIAN ECONOMIC UNION: INTEGRATION OPPORTUNITIES. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.9. Issue 3. pp:87-99



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-9-12>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдо-иктисодий ва интеграцион устуворликларининг хусусиятлари очиб берилган. ЖСТга кириш, ташқи савдо жуғрофияси ва тузилмасини диверсификациялаш, шунингдек ташқи ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни жаҳон ва минтақавий кучлар, МДҲ мамлакатлари ва Марказий Осиё мамлакатлари билан кенгайтиришнинг концептуал ёндашишлари асосланган. Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан самарали ҳамкорлик қилиш учун хавф-хатарларга ва векторларни шакллантиришга, шунингдек, коронавирус пандемиясининг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

